# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 11-noyabr • №46 (4133)

## ИЖОД ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ

*Кимда бўлса донишу ақлу тамиз,*
*Илм ила хилм аҳлини тутгил азиз.*

**Фаридиддин Аттор.**

Маълумки, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фан, адабиёт, санъат асарлари асрлар, замонлар оша инсон маънавияти онгу тафаккурининг таянч устунларидан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлатимиз сиёсатида фуқаролик жамиятини барпо этиш зарурий шарти сифатида айнан шахснинг эзгу мақсадига йўналтирилган ижодий тафаккур, интеллектуал салоҳият масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

*8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун*

"Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср, — деган эди Президентимиз И.Каримов. — Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар". Дарҳақиқат, инсон меҳнатининг самаралари орасида ижодий бойлик яратиш, ҳар бир халқ, мамлакат тараққиёти учун ниҳоятда муҳимдир.

Бинобарин, кўҳна юнон ва Рим халқларини буюклик даражасига кўтарган омил, улар босиб олган юртлар эмас, балки эришган юксак маданиятлари, минг йиллар оша яшаб келаётган ўлмас асарларидир. Қолаверса, қадимий Мовароуннаҳр ҳам сарҳадларининг кенглиги билан эмас, дунёни ҳайратга солган аждодларимиз заковати билан буюклик тожини кийгандирки, бундан ҳар қанча фахр этсак арзийди. Айнан қадимий цивилизациянинг ноёб меъморий ёдгорликлари ва тарихий обидалари, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Хива, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз каби шаҳарлар, ҳозирда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмайдиган меъморий бойликларимиз тўғрисида ҳам катта ғурур ва ифтихор билан шундай фикрларни айтиш мумкин.

Шу билан бирга ҳар қандай давлатнинг юзи, нуфузи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳамдир. Зеро, унда халқ ҳуқуқи, иродаси, тафаккури, ижоди, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти тўла акс этади ва асосланади. Ўзбекистон Конституциямизнинг 42-моддасида "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", дейилади. Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасига ҳамоҳангдир. Унга кўра ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Хўш, шу ўринда шахснинг ижод эркинлиги ўзи нима, унинг белги ва хусусиятлари нималардан иборат, деган саволга жавоб изласак. Маълумки, инсонга хос бўлган тафаккур қилиш жараёнида ижодий фаолият юзага келади. Шу жиҳатдан ижодий меҳнат самараси моддий эмас, балки маънавий объект ҳисобланади. Шу тариқа ижод асосан бадиий, илмий асар ва номоддий бойлик, ижодий маҳсулот каби луғавий маъноларда тушунилади. Файласуфлар эса ижодни "объектив оламнинг субъектив образи", деб таърифлашади.

Бизнингча, ижод ижодкорнинг нафақат ҳис-туйғу, фикр-мушоҳада ва тасаввурлари маҳсули, балки ақл-идрок, комиллик, ҳаётий тажриба, атроф-муҳит, замон ва маконнинг бадиий инъикосидир. Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг қуйидаги мулоҳазасига эътибор қаратсак: "...У шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун ҳамма фазилатларини ишга солиши керак". Ўз навбатида, ижодий тафаккур фалсафий-ижтимоий нуқтаи назардан инсон ақли идрок эта олмайдиган, фақат қалби ҳис этадиган олам-олам маънони жо этувчи сеҳр борлиги билан ҳам алоҳида қимматга эгадир.

Ижод ҳақида гап юритганда яна бир нарсага эътибор бериш лозим. Инсоннинг ижодий фаолият маҳсуллари асосан табиат ва жамият ҳодисалари тараққиётининг объектив ва субъектив жараёнидан келиб чиқади. Дейлик, рассом ранг бўёқлари воситасида яратган асарида образлар характерлари билан чекланмасдан, ўз қалби ва ички кечинмалари заминида туғилган ижтимоий маънони ҳам ифодалайди.

Айни пайтда ижод жараёни ўз моҳияти билан эркинлик характерига эга бўлиб, ҳар бир ижодкор хоҳишига қараб субъектив тафаккур заруриятини амалга ошириш асносида эркин ижод қилишга ҳақлидир.

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси мулк ҳуқуқига ижодкор шахснинг ўзига қарашли "мол-мулкка" ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай тарзда бузилишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат, деб таъриф беради.

Бироқ ижодкорнинг ўзига тегишли ижодий мулкка нисбатан эрки унинг барча хоҳишлари, яъни кўнгли нимани тусаса, нимани хоҳласа шуни қилиши мумкин дегани эмас. Бинобарин, қомусимизнинг 15-моддаси 2-бандида "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", деб қайд этилган.

Бундан кўринадики, қонун эркин ижодий фаолиятга кенг имкониятлар берса-да, ижодкорга маълум бир масъулият ҳам юклайди.

Демак, ижод дурдоналари ҳам бир миллатни жаҳонга машҳур этувчи ўзига хос ойнадир. Шу нуқтаи назардан "Авесто", "Алпомиш" сингари асарларимизнинг муборак саналари халқаро миқёсда кенг нишонлангани бежиз эмас. Ўз навбатида, халқ оғзаки ижоди бешикларидан бири Бойсун фолклори, мумтоз мусиқамизнинг нодир хазинаси бўлмиш "Шашмақом" инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари деб, Фарғона водийси аҳлининг "Катта ашула"-га жо бўлган дилбар қўшиқлари, қадимий Наврўз байрамимиз ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросга доир фахрий рўйхатидан жой олганидан бахтиёрмиз. Халқимиз, миллатимизнинг бундай ютуқларига асосий қомусимиз — Конституциямиз ғоявий пойдевордир.

**Нафиса АҲМЕДОВА,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси**



**Кашта тикдим ипаклари тиллодан...**
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЯНГИ АСАРЛАР

*Тақдимот*

Ижтимоий-маънавий тафаккур ривожида муҳим аҳамият касб этадиган янги асарлар билан кенг жамоатчиликни таништириб бориш, уларнинг тақдимотлари ва давра суҳбатлари ўтказиш Плеханов номидаги Иқтисодиёт академияси Тошкент филиалида яхши анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг 20 йиллиги муносабати билан талабалар ва илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги тақдимот маросими Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон истиқлолга эришиш остонасида" китоби мутолаасига бағишланди. Академия филиали ректори Қаландар Абдураҳмонов ва бошқа олимлар Президентимиз китобида собиқ шўролар ҳукмронлигининг сўнгги йилларидаги вазият, иқтисодий инқироз ва маънавий таназзул сабаблари, оғир вазиятдан чиқиш ва мамлакат мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилган ишлар теран таҳлил этиб берилгани ҳақида сўзладилар. Юртбошимизнинг мазкур китоби тарихнинг ана шу бурилиш палласида кечган жараёнларнинг ҳақиқий манзарасини тўлақонли тасаввур этиш учун муҳим манба эканлиги билан ҳам қимматлидир. Бугунги ёш авлод учун мустақиллигимиз моҳиятини англаш ва фидойи ватанпарвар бўлиб етишишда "Ўзбекистон истиқлолга эришиш остонасида" китоби мутолааси алоҳида аҳамият касб этади.

Куни кеча бўлган янги китоблар тақдимоти ҳам мамлакатимиз озодлиги яратган маънавий неъматларни эъзозлаш руҳида ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Тафаккур" нашриёти чоп этган "Истиқлол манзаралари" китобида халқимизнинг ҳурриятга эришиш йўлида чеккан изтироблари ҳамда мустақилликнинг ўтган йигирма йили мобайнида амалга оширилган улуғвор ва залворли ишлар поэтик таҳлил этилса, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг "Адолат" нашриёти чоп этган "Данте — юрист" китоби улуғ италян шоири ва мутафаккири Данте Алигьерининг эркинлик, адолат ва қонун ҳақидаги, давлатнинг миллат бирлиги таянчи сифатидаги қарашлари, хуқуқий уйғониш даври бошланиши ва ўша пайтдаги хуқуқий дунёқараш хусусиятлари таҳлилига бағишланган.

Китоб муаллифлари мазкур асарларнинг ёзилиш тарихи, истиқлолимиз боис эришилган маънавий неъматларни қадрлаш ва уларни бойитиш имкониятлари ҳақида сўзладилар. Абдулла Орипов "Истиқлол манзаралари" туркумидан яқинда ёзган "Ўзбек иши" шеърини ўқиб берди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, адабиётшунос Бахтиёр Назаров ҳар икки китобнинг бадиий фазилатлари ва теран илмий жиҳатлари ҳақида гапириб, муаллифларнинг ижодий ютуқларини самимий эътироф этдилар. Профессор Исо Ҳамидов "Данте — юрист" китобида Акмал Саидовнинг қиёсий ҳуқуқшуносликни кенг кўламда ўрганишга доир истеъдоди яна бир бор намоён бўлгани ва олимнинг бу борадаги изланишлари, ёзган дарслик китоблари МДҲ ҳуқуқшунослари томонидан ҳам эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлади.

## ҲУЖЖАТЛИ ФИЛМЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган "Кино ва телевидениеда спорт" мавзуига бағишланган халқаро кинофестивалда АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Вьетнам ҳамда Европанинг бир қанча мамлакатлари студияларида ишланган спорт мавзуидаги ҳужжатли филмлар қатнашди. Улар қаторида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар киностудиясида яратилган "Нафосат" (режиссёр Э.Мирзаев), "Касбилик чемпион қиз" (режиссёр Э.Мамедов), "Юксак натижалар сари" ("Ўзбектелефилм"да Марҳамат Қурбонбоева ва Абдуҳаким Қориев ҳаммуаллифлигида суратга олинган) ҳамда Санъат институти магистри Дониёр Шокиров суратга олган ҳужжатли филмлар намойиш этилиб, махсус диплом билан тақдирланди.

— Ўзбек ҳужжатли филмлари ранглар ёрқинлиги, тажрибали ижодкорлар томонидан яратилгани ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди вьетнамлик киноижодкор Нгуюн Хван Вин. — Мен Ўзбекистонда бўлмаганман. Аммо ўзбек киноижодкорлари томонидан яратилган филмларни томоша қилиб серқуёш замин нафасини туйгандек бўлдим.

Таъкидлаш жоизки, анжуман якунига кўра "Нафосат" ва "Касбилик чемпион қиз" филмлари 2012 йили Флоренцияда бўлиб ўтадиган кинофестивалда намойиш этишга тавсия қилинди.

**Марҳамат ҚУРБОНБОЕВА**

## ЁНИҚ СЎЗ ШУЪЛАСИ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Топиб айтилган ҳар бир сўз инсоннинг юрагига етиб боради ва уни ҳаяжонга солади, фикрлашга, мушоҳадага ундайди. Агар бундай сўзлар шеърга тизилган бўлса-чи? Унда бу маржонлар мусиқадай ёқимли янграб, шу мусиқа тўлқинлари сингари қалбингиз ҳам беихтиёр мавжланади. Таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган "Кўҳна нақл" китобидан жой олган шеърларини мутолаа қилаётиб, ана шундай туйғуларни ҳис этасиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур китоб тақдимотига бағишланган шоирнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада уюшма шеърият кенгаши фаоллари, шоир ва адиблар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар иштирок этиб, ушбу китобдаги шеърларнинг поэтик ранг-баранглиги, шунингдек, бугунги ўзбек шеъриятида рўй бераётган янгиликлар, адабий жараён ва ижодкор масъулияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

— Саъдулла Ҳаким дастлаб "Ҳамал тонглари" номли китоби билан адабиёт ихлосмандлари эътиборига тушган эди, — деди Ўзбекистон халқ шоири, уюшма шеърият кенгаши раиси Маҳмуд Тоир. — Шундан сўнг у "Сен кутган баҳор", "Ёз оқшоми", "Она сўз", "Сайланма", "Кўнгил юзи" каби қатор шеърий тўпламларини китобхонлар эътиборига ҳавола этиб, ўз сўзига, ўз овозига эга шоир сифатида танилди. Бу китоблардан ўрин олган шеърлар мавзу ва мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Ватанга муҳаббат, ўзбекона қадриятларга садоқат, шунингдек, табиат манзараларини ифода этиш орқали инсон руҳиятини тараннум этиш ушбу шеърларнинг асосий ғоясини ташкил этади.

Шоирнинг барча китоблари шеърият ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинган. Бинобарин, мазкур шеърларни ҳар китобхон гўё ўз қалбидан отилиб чиқаётган изҳордек қабул қилади.

**Одам Атодан то бу кун**
**Чоптириб умр чобукин,**
**Асраган эл миллат юкин,**
**Отам, онам, ёрим, болам**
**Суйсам — наво,**
**куйсам — нолам,**
**Жон Ватаним,**
**Жон ва таним**
**Ўзбекистон,**

— дея шоир Ватанини чин юракдан ёниб мадҳ этади. Бу сатрларни ўқувчи ўзгача ҳаяжон билан ўқиши шубҳасиз. Шоирнинг Гёте, Лермонтов, Есенин, Юнус Эмро ижодидан қилган таржималари ҳам "Кўҳна нақл" китобидан жой олган. Ушбу шеърлар ўзига хос бадиий маҳорат билан таржима қилинган бўлиб, китобхон тасаввурини янада бойитади.

— Инсоннинг босиб ўтган умр йўли орзу ва ҳайрат, ижод ва ибрат мактабидир, — деди адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов. — Саъдулла Ҳаким ўзи туғилиб ўсган Нурота тизма тоғлари, Фориш дара-даштлари фусункорлигини, содда ва танти инсонлари, уларнинг ўтмиши ва бугунги орзу-умидларини ёрқин услуб билан жўшиб куйлайди. Ана шу жиҳатлари билан китобга киритилган "Оқсарой" манзумаси, "Бола Ботир", "Олис юлдуз" достонлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Кўҳна афсоналар ва тарихий воқеалар уйғунлашиб кетган бу асарларда муҳаббат ва садоқат, мардлик ва жасорат ҳамда халқимизнинг Ватан озодлиги йўлидаги фидойилиги улуғланади.

Албатта, адабиётнинг, шеъриятнинг ижодкор олдига қўйган талаби ҳам шу. Шоир аввало халқнинг ўй-кечинмаларини, орзу-истакларини, ўтмишини, Ватанни қанчалик севишини ҳис қила билиши керак. Президентимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида: "Ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилаяпсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади", — дея таъкидлаган эди. Зўрма-зўраки қолиплардан, турли зуғумлардан холи бўлган бугунги ижодкорлар ана шу фикрларни доимо ёдда тутиши ва унга амал қилган ҳолда ижодга янгича масъулият билан ёндашиши зарур.

Ижодий кечада иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, адабиётшунослар Қозоқбой Йўлдошев, Сувон Мели ва бошқалар "Кўҳна нақл" китобининг ўзига хос жиҳатлари, шу билан бирга замонавий шеъриятимизда кўзга ташланаётган янгиликлар, ижод машаққати ва масъулияти, юртимизда адабиётга, ижод аҳлига берилаётган юксак эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида фикр билдирдилар.

**Уйғун РЎЗИЕВ**

## ҲАР ЯХШИНИНГ БИР ЁМОНИ...

*Куюнчак газетхондан мактуб*

Ҳозир турмушимизни техника воситаларисиз тасаввур эта олмаймиз. Чунки улар ишимизни енгиллаштиради, вақтимизни тежайди. Агар бу воситалардан тўғри фойдаланмасак, улар зараримизга ишлайди. Масалан, янгиликларни билмоқчи бўлсак, телевизорга қараймиз. Аммо телевизорда савияси паст сериаллар, енгил-елпи кўрсатувларни кўриб вақтимиз зое кетади. Компютер ҳам худди шундай: маълумотлар олиш, ижодий ишлар билан шуғулланиш ёки танишув сайтларида қимматли вақтни сарфлаб, кераксиз ўйинларга берилиб кетиш мумкин. Халқимиз: "Ҳар яхшининг бир ёмони бор", деб бежиз айтмаган. Шифобахш гиёҳни нотўғри қўллаш оқибатида у заҳарга айланади. Авваллари кўз касалликларининг, асосан, аждоддан авлодга ўтиши исботланганди. Ҳозир ҳар ўн кишидан бирида кўриш қобилияти меъёридамас. Бу кўрсаткич, айниқса, шаҳарлардаги ёшлар орасида кўп учрайди. Ёшларнинг виртуал оламга шўнғиб кетиши кўз хиралигидан ташқари, қуруқ кўз синдроми, остеохондроз, тунелли синдром, аллергия каби касалликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Компютер, телевизор, қўл телефонларининг зарарли томонлари кўпчиликка маълум. Эндиликда аксарият уйлардаги кондиционерлар ҳам оддий шамоллашдан ташқари, бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқараяпти. Фарингит, ринит, ангина, ларингит, цистит, зотилжам шулар жумласидандир.

Бу — танганинг бир тарафи. Иккинчи томонига назар солсак, техника имкониятларидан нотўғри фойдаланиш нафақат саломатликка путур етказаётир, балки ёшларнинг билим савияси пасайишига ҳам олиб келаётир. Олдинлари бир саволнинг жавобини билиш учун соатлаб китоб титкиланар, манбаларга мурожаат этиларди. Ҳозир интернет орқали беш дақиқада муаммони ҳал қилса бўлади. Лекин ҳеч ким бу жавоб тўғрими, текширилганми — қизиқиб ҳам ўтирмайди. Ўқувчи ва талабанинг рефератини осонгина интернетдан кўчириб тайёрлаши аслида плагиатлик-ку! Натижада кулгили ва, ҳатто, аянчли вазиятларга гувоҳ бўламиз. Масалан, мактаб ўқувчисидан машҳур асарнинг муаллифи ҳақида сўралса билмаслиги мумкин. Бироқ истаган кўнгилочар, танишув сайтларининг номлари, компютер ўйинларининг қоидаларини адашмай айтиб беради. Бу масалада баъзи ота-оналарнинг ҳам айби бор: фарзандлари эртак китоблар сотиб олса, "Нега бекорга пул сарфлайсан", деб уришишади, аммо вақтини компютер, телефон ўйнаб ўтказса индамаслиги мумкин. Муҳими, фарзанди ҳар хил саволлар бериб бошини қотирмаса бўлгани. Болакай ҳам бундан ўзига хулоса чиқариб, "тинчроқ" йўлни танлайди. Кейинчалик ота-оналар фарзанди ўқимаётгани, бекорчи ўйинларга берилиб кетаётганидан шикоят қилади. Аслида бунга ким айбдор?..

Атрофимизда дарсини тайёрлашга ёрдам сўраб келган фарзандига: "Ҳозир вақтим йўқ, бор ўзинг қил", деб жеркиб берадиган, бироқ телефонда соатлаб гаплашадиган оналар ҳам учрайди.

Бир савол одамни ўйлантиради. Қулай техника воситалари аслида кимлар учун ва қай мақсадда яратилган? Ишбилармонлар, махсус ходимлар учун яратилган компютер ва қўл телефонлари энди болакайларнинг севимли ўйинчоғига айланиб қолаётгани ташвишли ҳол. Сиртдан қараганда бу фожиа эмасдай, замона зайлидай бўлиб кўринади. Бироқ бугунги давр техник воситаларда фақат ўйин ўйнашни биладиган ёшларни эмас, ўз касбининг устаси бўлган кадрларни талаб қилади.

**Соҳиба МАМАДИЁРОВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси**

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

# ОЛИМ ОТА ВА ДЕҲҚОН ЎҒИЛ

Чиройли исм инсонга зеб бўлганидек, эзгу ният билан қўйилган яхши ном ҳам жамоанинг зийнати ва ризқ-насибасидир. "Барака" фермер хўжалигининг чор тарафига, офтоб тафтию инсон меҳрига, обиҳаётга қонган далаларига, истироҳатгоҳ мисоли дала-шийпонига қараб, ана шу хаёл кўнгилдан ўтади. "Барака"нинг деҳқонлари ҳам, уларга етакчилик қилаётган ёшгина деҳқонбоши Олимжон ҳам хушсурат ва истарали. Ҳадиси шарифда "Яхшиликни яхши юзли кишилардан кутинг", деб бежиз айтилган эмас-да.

Олимжоннинг юз-кўзидан ёшлик шижоати ва ғайрат уфуриб турибди. Илк учрашувдаёқ амин бўласизки, бу йигит ҳақиқий деҳқон. Фариштали чеҳрасида, самимий сўзларида чексиз меҳр бор. Бу меҳр Ватан меҳридан туғилган. Унинг ташаббуси, ишчиларининг фидойи меҳнатидан оролланган далалар шу қадар саришталки, кўрган кўзларни қувнатади.

— Ҳали ҳаяжоним босилгани йўқ, ўша кунги хурсандчилик эса бутун умримга етиб ортади, — дейди Олимжон. — Чин дилимдан айтаманки, даламизга Хизр назар қилди. Президентимизни кутиб олиб, мезбон сифатида "Хуш келибсиз", дедим. Бу мен учун жуда катта мукофот. Энг муҳими шуки, давлатимиз раҳбарининг оталарча маслаҳатлари ҳали бизга узоқ йиллар қўл келади, мен учун асосий дастуриламал бўлади. Чунки ерни ва элни асраш ҳақидаги йўл-йўриқларни у кишининг ўзидан эшитиб, фаолиятимга янгидан назар солдим, аллақанча камчиликларим борлигини ҳам кўрдим. Аввало шуни англадимки, ер давлат ва халқ мулки. Масалан, мен уни шартнома асосида белгиланган муддатга олганман. Уни тағин ҳам унумдор ва тоза ҳолга етказишим шарт. Бунинг учун ердан узоқ муддатни кўзлаб фойдаланишим зарурлигини чуқур ҳис этмоқдаман.

Бугун барча наманганликлар, айниқса, фермерлар бу ҳақиқатни теран ҳис этишмоқда. Олимжон Исаевнинг ишлари эса "беш". Буғдойнинг ҳар гектаридан 67 центнердан ҳосил кўтарди. Салкам 32 гектар майдонга пахта экканди, ҳосилдорлиги 40 центнердан ҳам ошиб кетди.

Олимжон ҳам сийрати, ҳам сиврати билан бугуннинг одами. Шаҳар ва қишлоқ, ишчи ва деҳқон турмушидаги тафовутнинг барҳам топиб бораётган боиси у қора чопон ва сахтиён этик кийган ўттиз йил бурунги деҳқонга сира ўхшамайди. Зотан, алоҳида таъкидланганидек, бугунги фермер илғор агротехниканинг тарғиботчиси ва қишлоқ кишилари учун ҳар жиҳатдан намуна бўлмоғи зарур.

Олимжон Исаев айни шу даражага етишга ҳаракат қилаётган ёш мулкдорлардан.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун қишлоқ инфратузилмаси экологик мувозанатни сақлашни ҳам ўз ичига олади. Қаҳрамонимизнинг ўзига хос иш услуби шундаки, у юқори ҳосил ва даромад учунгина эмас, атроф-муҳит мусаффолиги учун ҳам курашмоқда. Ерлари "кўл мавзеси"да жойлашган, сизот суви яқин. Шу сабабли саккиз километрга яқин зовур ўзани тозаланди. "Барака" даласида 2011 йили кимёвий дориворлар мутлақо қўлланганн йўқ. Зараркунандаларга фақат биологик йўл билан барҳам берилди. Олимжоннинг айни масаладаги саъй-ҳаракатлари Юртбошимиз томонидан ҳам маъқулланди. У бундан руҳланиб, мавсумда 12 миллион сўм нақд фойда келтирган биолабораториясини янада кенгайтириш ҳаракатида. Шу чоққача ўз даласи ва "Ижодкор" агрофирмаси деҳқонларини биомаҳсулот билан таъминлаб келган бўлса, энди фойдали ҳашаротларни кўпайтириб бошқа фермерларга сотишни ҳам режалаштирмоқда.

Юртбошимизнинг Наманган вилоят фермерлари билан учрашуви айнан "Барака" фермер хўжалиги даласида бўлгани ҳам бежиз эмас. Тупроғи хосиятли Наманган туманида ўзига хос деҳқончилик мактаби шаклланган. Абдураҳмон ота Жўраев, Нуриддин бува Абдуллаев, Тожихон Асқарова, Ҳасанбой Соибобоев каби миришкорлар ана шу мактабнинг асосчилари эди. Олимжоннинг отаси Ботир Исаев эса бу тажриба мактабининг усталаридан саналади.

Ботиржон ота ҳозир 77 ёшда. Баракали умрининг қарийб 60 йилини илмий-амалий деҳқончиликка бағишлади. Агрокимё ва тупроқшунослик мутахассиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, биология фанлари доктори, профессор бўлиб етишди. Бир замонлар Африкага бориб, ҳатто Саҳройи Кабирдаги занжиларга икки йил зироаткорликни ўргатиб келган олим-деҳқон ҳам шу киши бўладилар. Мана қирқ йилдирки, "Ғўзани микроэлементлар билан озиқлантиришнинг физиологик ва агрокимёвий асослари" номли асари ўз аҳамиятини йўқотмай келяпти. Талабаю мутахассислар ҳанузгача Ботир аканинг шу китобдаги тавсияларига мурожаат қилишади.

Б.Исаев Москва агрокимё институтининг Ўрта Осиё филиалига саккиз йил раҳбарлик қилди. Наманганга қайтгач, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти филиалида то ёши етмишдан ошгунича етакчи бўлди. 2006 йили "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Алқисса, Олимжоннинг қонида борки, у ана шу деҳқон ва олим отанинг ишончини оқламоқда.

Президентимизнинг ташрифидан сўнг "Барака" фермер хўжалиги майдонлари яна 55 гектарга кенгайди. Энди жами ер майдони — 117 гектар. Шундан 60 гектарига буғдойнинг "танг" нави экилди. Бу навдан мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ботир Исаевнинг оиласи катта. Улғайган икки ўғил, икки қиз, невара-чеваралар жамланиб қолса, бир қозон палов камлик қилади. Аммо у даврада Олимжон тез-тез қатнаша олмайди. Чунки ишидан кўнгил узолмайди.

Давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун яратиб берилаётган имкониятлар "Барака" фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол намоён бўлиб турибди. Республикамизда бундай фермер хўжаликлари жуда кўп. Олимжон Исаев каби эзгу мақсадларни кўзлаган фермерларимиз сафи янада кенгайиши шубҳасиз.

**Зиёвуддин МАНСУР,**
**Рустамжон УММАТОВ**

Сўздан сўзнинг фарқи бор...

## КАФТДА АВАЙЛАМОҚ

**Аямоқ.** Тилимизда "авайламоқ" маънисини англатган "аяди", деган феъл бор. Бу феълнинг ўзаги "ая" сўзидир. Шунингдек, қадимдан тилимизда "кафт" маъносини билдирган "оя", "ая" сўзлари бор. Бир қарашда авайлаш маъносидаги "ая" феъли билан "кафт" маъносидаги "ая" сўзи шаклан бир хилу, мазмунан ҳар хилдай туюлади. Лекин қўлда кўтариб ардоқлашни қадимда "қўлимнинг ойнасида тутдим", деб ҳам ифодалашган. Авайлаш билан кафтда тутиш мазмунан бир-бирига яқин. Шундан келиб чиқиб, "кафт" маънисидаги "ая" сўзи билан "авайла" маъносидаги "ая" сўзи туб илдизи бир хил, деб фараз қилиш мумкин. Шунингдек, "ая" сўзини "тақдирламоқ" "ато қилмоқ", "таърифламоқ" каби маънолари ҳам борлиги манбаларда таъкидланган.

## ТЕГИРМОННИНГ ТЕГРАСИ

Тилимиздаги ғаллани ун, шолини оқлаб гуруч қилиб берадиган қурилма номини англатган "тегирмон" сўзи "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, асли "айнан" маъносидаги "тегир" сўзидан келиб чиққан.

Бу қадимги сўз ҳозир ҳам тилимизда "айлана" мазмунидаги "тегра" шаклида сақланиб қолган. "Теварак" сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Демак, "тегирмон" сўзи "тегра", "теварак", "тўгарак" сўзлари билан бир-бирига алоқадор сўзлардир.

**Эшқобил ШУКУР**

# ҚАЧОН ВЕЛОСИПЕД МИНАМИЗ?

Муҳокама учун мавзу

Йирик корхонада раҳбар бўлиб ишлайдиган, салобатли қўшнимизнинг негадир на шахсий ва на хизмат машинасидан фойдаланмай қўйгани, "дом"имиздан беш-олти бекат наридаги ишхонасига яёв қатнаётганини кўрган қўни-қўшнилар бу ҳолни ўзларича изоҳлай бошлашди. Бироқ кўп ўтмай унинг ўзи барча "миш-миш"ларга чек қўядиган асл сабабни айтди: "Бўғимларим зирқирайди, юрак қурғур ҳам панд бера бошлади. Шифокорлар кўпроқ тоза ҳавода пиёда юринг, камҳаракат бўлманг, акс ҳолда соғлиқни бой берасиз, дейишди".

Қўшнимизнинг ушбу важини уйимиздагилардан эшитиб, кўпқаватли биноларда яшовчиларнинг соғлиғи ҳақда ўйланиб қолдим. Чунки бу муаммо кўп қатори менга ҳам тегишли. Шу боис охирги марта қачон бамайлихотир пиёда юрганимни хаёлимга келтирмоқчи бўлдим, бироқ эслолмадим. "Дом"дагиларнинг турмуш тарзини ўзимча тасаввур этиб кўрдим: камҳаракатлилик, турғун ҳаёт тарзи деярли ҳаммамизга хос. Ишонмайсизми? Мана қаранг, эрталаб туриб бадантарбия қилишга одатланганлар кўпчиликни ташкил этади, деёлмайман. Вақт зиқлигидан нонуштага-да зўрға улгурамиз баъзида. Шоша-пиша уйдан чиқамизу машинамизга ўтирамиз ёки бўлмаса яқиндаги бекатдан транспортга чиқамиз. Ўқиш ёки иш жойига келгач, тўрт девор ичида ўқиб, ишлаб кунни ўтказамиз. Қош қорайганда уйга келамизу, телевизорга кўз тикиб овқатланамиз, кейин ухлагани ётамиз. Одатда, шаҳарда яшовчиларнинг куни шу зайлда ўтади. Дам олиш кунлари-чи, дерсиз. У кунлар ё тўй-ҳашам, меҳмондорчиликка борамиз-да (пиёда эмас, албатта) еймиз-ичамиз ёки уззукун диванга ястаниб телевизор кўриб ҳордиқ чиқарамиз. Ойлар, йиллар шу тахлит ўтаяпти. Югур-югур билан шивалаб ёғаётган ёмғирни, баргларнинг алвон тусини, биринчи қорни, ниш урган илк майсаларни пайқамаймиз ҳатто. Фурсат йўқ, юмуш бисёр, деб оқлаймиз-да ўзимизни. Аммо шу йўсиндаги ўта камҳаракатли турмуш тарзи соғлиғимизга қанчалик зиён етказаётганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, умуртқа касалликлари, юрак-қон томир тизимидаги муаммолар, иммунитет заифлашиши, ортиқча вазн, сурункали чарчаш сингари бир қатор хасталикларнинг пайдо бўлишига айнан камҳаракатлик замин яратар экан. Аниқланишича, қандли диабет ҳам нисбатан кўпроқ ҳаракатсиз турмуш тарзига одатланиб қолган одамларда учраркан. Энг ёмони, бу касалликлар вақт ўтиши билан безовта қила бошлайди. Шунинг учун уларга қарши курашни кичи ёш чоғидан бошласа мақсадга мувофиқ бўларкан.

Афсуски, ота-оналар фарзандларини билиб-билмай дангасаликка ўргатиб қўйишади. Эркатойини бир қадам наридаги мактабга ё боғчага машинада олиб боради, вақт топса олиб қайтади. Бундай доимий ғамхўрлик билан ҳали суяги қотмаган болани камҳаракатликка кўниктириб қўйиш ҳеч гап эмас. Тўғри, вақтни тежаш, оғирни енгил, мушкулни осон қилишда автоуловларга тенг келадигани йўқ. Қолаверса, уларнинг кўпайиши фаровонликнинг, тараққиётнинг бир белгиси. Бироқ машиналарнинг шаҳар ҳавосининг ифлосланишига қўшаётган "ҳисса"сидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Кенг, равон кўчаларимизни тўлдириб юрган транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли тутунлардан шаҳар экотизими ҳам, аҳоли ҳам бирдай азият чекади. Аслида бу жаҳондаги барча йирик шаҳарларнинг долзарб муаммоси. Боз устига, бир кунда икки-уч километр пиёда юришни хаёлига ҳам келтирмайдиган, аксинча, автоуловларга "қарам" бўлиб қолган шаҳарликларнинг камҳаракатликка мослашиб қолаётгани ташвишли ҳол эмасми?

Хўш, ушбу муаммонинг, жилла қуриса, бироз олдини олишнинг иложи борми? Эҳтимол транспорт воситаларини зарарсизроғига алмаштириш самара берар? Масалан, велосипедларга. Кўпгина ривожланган давлатларда бу икки оёқли ускунадан аллақачон ҳар куни ишлатиладиган транспорт воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Унда ишга, ўқишга, дўконга, сайрга бориш одатий ҳол. Бизда велосипедни, айниқса, ўқувчи-ёшлар орасида оммалаштирилса ўринли бўларди.

Аввало, велосипедлар атроф-муҳит учун безиён. Бундан ташқари, биламизки, уни ҳайдаш жисмоний куч талаб қилади. Ўқувчи-ёшлар орасида эса ҳамманинг ҳам спорт тўгаракларига қатнашишга хоҳиши ёки имконияти бўлмаслиги мумкин. Мактабга бориш ва қайтишда велосипеддан фойдаланган ўқувчи ёки талаба организми учун зарур бўлган бир кунлик ҳаракатни амалга оширади. Куннинг асосий қисмини синфхонада ёки аудиторияда ўтириб ақлий меҳнат билан ўтказадиган ёшлар учун бу айни муддао эмасми? Шу тариқа ёшликданоқ мунтазам ҳаракатда бўлишга кўникиш мумкин. Серҳаракатлик уларда кейинчалик учрайдиган турли хил хасталикларнинг олдини олишини ҳисобга олсак, ёшларга велосипед ҳайдашни тарғиб этиш орқали уларни соғлом турмуш тарзига ундаган бўламиз.

Албатта, велосипед ҳайдашни оммалаштириш учун йўлларнинг икки четида махсус йўлаклар зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай йўлаклар велосипедларнинг бошқа транспорт воситаларига ва пиёдаларга халақит бермаслиги ҳамда хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам зарур. Бундан ташқари, кўпқаватли тураржой бинолари, ўқув масканлари, идоралар ёнида велосипедларни қўйиш учун ҳам махсус жойлар ажратиш лозим... Демак, бу борада қилинажак ишлар талайгина.

Нима бўлганда ҳам, туман бойлигимиз бўлмиш соғлиқни, она шаҳримиз ҳавосининг мусаффолигини сақлаш ўз қўлимизда. Бугун фарзандининг соғлом ўсиб вояга етишини ўйлайдиган ота-она унга қимматбаҳо телефон олиб бергани маъқулми ёки велосипед?.. Ўзимиз-чи, қачон охирги марта тўрт-беш бекатни яёв босиб ўтганмиз ёки велосипедда сайр қилганмиз? Ҳарқалай, ҳозир айни вақти: куз тароватини машинаю автобуслардан қараб туйиб бўлмаса керак.

**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**талаба**

# ФОРОБИЙШУНОС ОЛИМ

Илм — ўзни билмакдир

Ўзбекистонда фалсафа фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири академик Музаффар Хайруллаевдир. Олим академик Иброҳим Мўминов раҳбарлигида Абу Наср Форобийнинг улкан илмий меросини таҳлил этиб, аллома яшаган даврни Марказий Осиё фани тарихида ўзига хос уйғониш даври сифатида баҳолайди.

Бу давр бир томондан Марказий Осиёда шаклланган ислом маданияти таъсирида илм-фан тараққиётига эътиборнинг кучайган даври бўлса, иккинчидан, юртимизда буюк мутафаккирлар меросининг қадимги халқлар, жумладан, юнон фалсафаси анъаналари билан чатишиб кетганлиги ҳамда мазкур меросни арабчага таржима қила оладиган юқори малакали олимларнинг етишиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамиятга эга эди.

Абу Наср Форобийнинг ўзи ҳам жуда кўп қадимий тилларни яхши эгаллаган, хотираси ниҳоятда кучли шахс бўлган. М.Хайруллаевнинг таъкидлашича, "араб маданияти, араб фани, араб фалсафаси номи остида дунёга танилган мутафаккирларнинг аксарияти Марказий Осиёдан – бизнинг юртимиздан чиққан олимлар эди. Уларнинг алоҳида бир хусусияти – хотирасининг кучлилигида эди". Бу ҳодисанинг сабабини биз Абу Райҳон Берунийнинг "Осори ал боқия (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар)" асарида ҳам учратамиз. Марказий Осиёга бостириб келган босқинчилар ҳар сафар аждодларининг билимларини эгаллаган олимларни қиличдан ўтказишган, ёзма манбаларини эса гулханга ташлашган. Натижада қимматли фикрлар баён қилинган асарлар йўқолиб кетмаслиги учун одамлар уларни хотирада сақлашга мажбур бўлишади. Шу тариқа Марказий Осиёда ёд олиш санъати вужудга келган. Бутун бошли йирик эпик асарларни ёддан айтадиган бахшилар ҳам пайдо бўлган. Қимматли фикрларни шеърга солиб ҳикоя қилиш расмга айланган. Шу сабабли хотираси кучли кишилар пайдо бўлган. Кучли хотира кўп тилларни осон эгаллашга имкон беради. Шу боис қадимги аждодларимиз камида уч-тўрт тилда эркин гаплаша олган. Бу илм-фан тараққиётида, айниқса, таржима соҳасида жуда қўл келган.

Ота-боболаримиз қадимги суриён, яҳудий, юнон, санскрит ва бошқа унутилиб кетаётган тиллардан ҳам қимматли асарларни ўз тилларига таржима қилишган. Айниқса, бу одат Марказий Осиёга ислом дини кириб келиб, Қуръони каримни ёд олиш эҳтиёжи вужудга келган даврларда ҳамда шу дин орқали илм-маърифатни эгаллашга кенг йўл очилгандан сўнг ниҳоятда кенг оммалашди.

Бу даврда кўплаб асарлар, жумладан, қадимги юнон файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту, Архимед, Евклид, Гиппарх, Гиппократ, Птоломей ва бошқаларнинг асарлари ҳам араб тилига таржима қилина бошлади. Бу бир томондан ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларда илм-фаннинг ривожланишига, иккинчи томондан кейинчалик Европа мамлакатларида ҳам антик давр фан ва маданиятининг қайта жонланишига замин бўлди.

Музаффар Хайруллаев бу даврни "Шарқ уйғониш даври" деб атади. Тоталитар коммунистик мафкура оқни қора деб, Ўрта Осиё халқларини "маданияти паст, қолоқ, турмуш тарзи ибтидоий даражадаги феодал муносабатлар таъсирида қотиб қолган" тарзидаги ғайри илмий баҳолашни зўр бериб тарғиб этаётган бир даврда бу ҳақиқатдан ҳам илмий жасорат эди. М.Хайруллаевнинг бу жасорати ўша даврда кенг эътироф этилганди. Жумладан, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида Тошкентда бўлиб ўтган "Ҳозирги замон фанларининг фалсафий муаммолари" мавзусидаги илмий-назарий конференцияда Москвада нашр этиладиган "Философские науки" журналининг бош муҳаррири В.С.Готт сўз олиб, "Музаффар Хайруллаевнинг фалсафа тарихига, фалсафий фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақиқатдан ҳам таҳсинга лойиқ. У фалсафа тарихида форобийшунослик йўналишини тараққий эттириб, фанда бутун бошли илмий мактаб яратишга эришди», деган эди.

М.Хайруллаев аспирантурада мантиқ илми бўйича тадқиқот олиб борган ва шу фаннинг равнақ топиши йўлида буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий катта ишларни амалга оширганини чуқур англаб етган. Даҳақиқат, Абу Наср Форобий Аристотелдан кейин мантиқ илмини юқори чўққига кўтара олган энг йирик мутафаккирдир. Айниқса, Форобийнинг силлогизмлар назариясига қўшган ҳиссаси мантиқ фани тарихида алоҳида аҳамиятга эга. М.Хайруллаев Форобийнинг улкан илмий меросини битта илмий тадқиқот институти доирасида амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етиб, ҳамкорликка фалсафа ва ҳуқуқ институтидан ташқари Беруний номидаги Шарқшунослик институти, москвалик ва олмаоталик олимларни ҳам даъват этади. Форобий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш учун бутун бошли таржимонлар гуруҳини шакллантиради. Улар Форобийнинг араб тилида ёзилган қўлёзмаларини пешма-пеш таржима қилиб, шарҳлар ёзишади.

Шу тариқа Форобий замондошлари ва Форобий ҳақида изланишлар олиб борган кейинги давр олимларининг ҳам илмий мероси тадқиқ этила бошлади. Ўзбекистонда ўрта асрлар фалсафа тарихини тадқиқ этувчи ижодий мактаб шаклланди.

Биз Музаффар Хайруллаевни ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган жонкуяр устоз ва мураббий, масъулиятли раҳбар сифатида биламиз. У 1970 йилнинг бошларида Тошкент Давлат университети фалсафа бўлими талабаларига "Ўрта ва Яқин шарқ фалсафаси тарихи" бўйича махсус курсдан сабоқ берган. Камина ҳам шу курсни тинглаш шарафига муяссар бўлганман. Устознинг жуссаси кичик, кўзлари ёниб турар, ҳаракатлари чаққон, гаплари вазмин ва фикрларида мантиқ кучли бўларди. Мураккаб масалаларни ҳам содда ва тушунарли қилиб ифода эта олар ва маърузаларини маҳорат билан ўқирди. Аудиториянинг ҳолатини синчковлик билан кузатиб турар, агар тингловчиларнинг толиққанини сезса, маърузани бир жойда тўхтатиб, "Энди бир ривоят эшитинглар", деб мавзуга алоқадор бирор шарқона ривоятни ҳикоя қилар эди. Бу усул тингловчиларнинг чарчоғини оларди.

Устоз илм йўлида ҳеч кимдан қимматли маслаҳатини аямасди. Унинг учун лаборант ҳам, кичик илмий ходим ҳам, академик ҳам бирдай эди. Шу сабабли, каттаю кичик илм аҳли ҳеч тортинмасдан М.Хайруллаевнинг қабулига кириб келаверарди. Устоз ҳақиқий фан фидойиларини ҳурмат қилар ва уларга илм билан шуғулланиш учун зарур шароит яратиб берарди. Бу ҳақда профессор А.Файзуллаев шундай деган эди: "Музаффар Муҳиддиновични раҳбарлигида ишлаш роҳат. Илмда муваффақиятга эришсанг мактовига сазовор бўласан, ишлашга барча шароитларни яратиб қўяди, камчиликка йўл қўйсанг, сени койиш ўрнига, камчиликларни ўзи тузатиб қўя қолади. Сен эса, йўл қўйган хатойингга ўзинг хижолат чекиб, бундай хатога қайта йўл қўймайдиган бўласан. Хайруллаев ана шундай бағри кенг инсондир".

М.Хайруллаев Марказий Осиёда яшаб ўтган мутафаккирларнинг келиб чиқиши ҳақида гап борганда "улар Марказий Осиёлик шарқ мутафаккирларидир", деган нуқтаи назарни қатъий туриб ҳимоя қилар эди. Лекин, ўтган асрнинг 70-80 йилларида рўй бераётган миллий уйғониш жараёни таъсирида ҳар бир республика зиёлилари "бу – бизнинг бобокалонимиз, буниси эса сеники" қабилидаги айирмачилик сиёсатини авж олдиришган, бунинг оқибатида ҳаммамиз учун бирдай қадрдон бобокалонларимизни бўлишиб олиш бошланганди. Лекин, шунга қарамасдан М.Хайруллаев: "Марказий Осиёда яшаган халқларнинг этник келиб чиқиши бирдир. Ўтмишда ўтган ҳар бир мутафаккир ўзбекка ҳам, тожикка ҳам, қозоққа ҳам, қирғизга ҳам, туркманга ҳам, қорақалпоққа ҳам бирдай азиз ва улар ҳар биримизнинг бобокалонимиздир. Биз "бўлиб ташла ва уларнинг устидан ҳукмронлик қил", деган сиёсатга қарши бирлашиш, ҳамжиҳатлашиш йўлидан боришимиз керак. Шунда бизнинг устимизда ҳукм юритишга журъат қила олишмайди", деган қатъий позицияда турарди.

Устознинг бу фикрлари бугунги мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимиз олимлари учун ҳам долзарб аҳамиятга эга ёндашувдир. Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк даврлариданоқ "Туркистон – умумий уйимиз" шиорини илгари сурганлари бежиз эмас.

М.Хайруллаев Марказий Осиё мутафаккирлари меросини тадқиқ этиш асосида, минтақамизда бундан минг йиллар илгари ҳам тараққий этган яхлит, монолит маданий қатлам бўлганлиги ва биз Марказий Осиё халқлари ана шу юксак маданий меросининг қонуний ворислари эканлигимизни кенг илмий жамоатчилик олдида атрофлича асослаб берган олимлардан бири сифатида бугунги ёшлар учун ибрат бўлишга муносибдир.

Унинг илмий меҳнатлари мустақиллик йилларида муносиб баҳоланиб, Беруний номидаги давлат мукофоти ҳамда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирлангани ҳам фикримизга далил бўлади, деб ўйлаймиз.

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,**
**фалсафа фанлари доктори**

Журналларни варақлаганда

## «ТАФАККУР»

### 2011 йил, 4-сон




Журналнинг илк қўш саҳифаси Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобидан танлаб олинган иқтибослар билан очилади. Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг нажоти фақат ўзимизда, шу заминда», «Ўз авлодлари тақдири ҳақида қайғурадиган бирорта мамлакат хомашё ресурсларини сотиш ҳисобидан кун кўрмаслиги керак» ва шу каби пурҳикмат сўзлари мустақиллигимизни, истиқлол яратган маънавий неъматларни кўз қорачиғидек асрашга даъват этади.

Профессор Абдуқодир Эргашев ва журналист Мурод Абдуллаевнинг «Нима дейсиз, замондош?» рукнида берилган «Адолат борлиққа ёлғиз онадир...» сарлавҳали суҳбати она табиатимиз ва шу табиатнинг ажралмас қисми бўлган инсоннинг келажак тақдири, табиатга фақат иқтисодий манфаатни кўзлаб ёндашишлар оқибатида келиб чиқаётган маънавий емирилишлар, шахс туйғуларининг саёзлашуви хусусида баҳс этади.

«Жамиятнинг мақсади» рукнида фалсафашунос олим, профессор Маҳмуджон Ҳожимирзаевнинг «Етук жамият бунёдкори» сарлавҳали таҳлилий, «Миллат ва маънавият» рукнида эса журналист Иқбол Қўшшаеванинг «Дарвозасиз қолган дунё» номли мақоларини ўқийсиз. И.Қўшшаеванинг ҳар биримизда масъуллик ҳиссини уйғотувчи қизғин таҳлилга бой ушбу мақоласида интеллектуал дунёмизга хавф солиши мумкин бўлган айрим таҳдидлар хусусида сўз боради,

Журналнинг «Юрак тилга кирди» рукнида ёш ижодкорлар Шодмонқул Салом ва Ориф Толибнинг янги туркум шеърлари берилган. «Тафаккур»нинг «Ростлик ҳалоллик» деб аталган доимий, хос рукнида журналхонлар эътиборига атоқли таржимон Низом Комилов билан журнал ходими Шоҳсанамнинг суҳбати ҳавола этилган. Абдухалил Раззоқовнинг «Иқтисодий тафаккур» рукнидаги «Теран томирлар» мақоласи соҳибқирон Амир Темур даврининг ижодий-маънавий ҳамда иқтисодий манзараси таҳлилига бағишланган.

Журналнинг «Маъно ва моҳият», «Тақдирдаги такбирлар», «Муҳаббатнинг саройи», «Моҳият жилолари», «Жавондаги жавоҳир» каби рукнларида ҳам ранг-баранг қизиқарли мақолалар билан танишасиз.

Доимий ҳамроҳ

## "Тунги сайр" ҳайратлари

Шеър — хаёлнинг қанотларида учиб келади. Хаёлнинг бетизгин маъвоси эса, шоир тунида бутун ва рангиндир. Шеърнинг туғилиши шу бепоёнлик, завқли беоромлик қўйнида рўй берадиган ноёб, инжа ҳодисадирки, унинг шавқи шоирга насиб этади.

**Далаларнинг оромин бузмай,**
**Осмон тўлиб юлдуз оқади.**
**Ўйга чўмиб, бир дам кўз узмай,**
**Деразадан бир қиз боқади.**
**Хаёллардай чўзилар сўқмоқ,**
**Қанча юргин, оёғинг толмас.**
**Ялпизларнинг ҳидини туйиб,**
**Юрагингда ғам-ташвиш қолмас...**




Ушбу мисралар истеъдодли шоир Бобомурод Эралининг яқинда "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган "Тунги сайр" номли шеърлар тўпламидан. Шеърнинг олий матлаби кўнгил сурони, кўнгил ҳайрати, кўнгилнинг бутун шарҳидир. Шундай экан, шоирнинг ороми беоромликка, ғуссаси қувончга эврилиб кетган, сўз билан сирлашуви — шеър яралиши кўнгил байрамидир.

**Сўқмоқдан қайтмади ҳеч ким оқшомда,**
**Ғижирламай қўйди қоқсуяк толлар.**
**Саҳарга чўзилган гурунгларида**
**Олис ўтмишида яшайди чоллар...**

Ушбу шеърий парча "Биринчи қор" шеъридан. Тўпламда ўқувчини самимий ҳисларга етакловчи сатрлар талайгина. Зеро, муддао ҳам шундай. Тўплам муҳаррири Акрам Деҳқон.

**Дилрабо НОРҚУЛОВА**

Матншунослик муаммолари

# "ЛУҒАТ ТОЗАЛАШ" ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Мумтоз адабиёт нашрларида сўзни бир хил ёзиш ҳамиша муаммо бўлиб келган. Сабаби амалиёт, яъни мумтоз адабиёт нашрларида бир сўз икки хилдан тўққиз хилгача турли шаклларда ёзилган. Энг ишончли луғатимиз — Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовнинг "Навоий асарлари луғати" (1972) ҳам бир сўзни икки, уч, тўрт хил шаклда ёзишга рухсат беради. Чунончи, луғатнинг 392—393-саҳифаларида *мийъод, миъод, миод* ва *мийод* сўзлари бир хил ҳуқуқда қабул қилинган. Демак, матнчи мана шу тўрт ёки беш шаклдан бирини танлаш ҳуқуқига эга ва уни агар тўрт ёки беш шаклда ёзса ҳам ҳеч ким тайёрловчини айблашга ҳақли эмас. Негаки луғатлар адабий матнлар нашрида имло луғати вазифасини ўтайди.

Бироқ нашр амалиётидаги ана шундай ҳолатни матншуносларимизнинг кўпчилиги билади, дея олмайман. Чунончи, ўз тажрибамдан келиб чиқсам: мен Комилжон Исроилов билан Машраб "Девон"ини нашр этганимда, каминани нашрда ўн бешта сўзни бузиб ўқиганликда айблашди. Мен жавобимда "ҳалвои тар" сўзини "ҳолвайтар" тарзида бузиб ишлатганимни тан олдим ва қолган ўн тўртта сўзнинг луғатда икки хиллигини қайд этиш билан чекландим. Агар луғатда сўзнинг (асру ёки усру) бир шаклигина қабул қилинганда эди, мен хатомга иқрор бўлардим.

Мумтоз адабиётда энг фаол қўлланиладиган юз ёки бадандаги терни ифодалайдиган "хай", деган сўз бор. Мен бу сўзни Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовнинг луғатидан алифбо тартибида қараб, ўз ўрнида топа олмадим. Наҳотки Порсо Шамсиев бу сўзни луғатга жалб этмаган бўлса, деган андишада "х" ҳарфидаги сўзларни излай бошладим. 646-бетда туриши керак бўлган бу сўзни 671-бетда "хўй" билан ёнма-ён ҳолатда топдим. Давомидан "хўйфишон — терлаган, тер тўкувчи" сўзини ҳам ўқидим. Бу талқин ҳам дуруст эмас.

Худди ўша — луғат чиққан йили бу сўз ҳақидаги илмий ҳақиқатни билиш учун Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими арабшунос олим Исматуллоҳ Абдуллаев ҳузурига бориб, арзимни айтдим:

— Устоз, ўзбек адабиёти намуналарида юздаги терни билдирувчи "хуй, хўй, хай" тарзларида учрайдиган сўз бор. Шу сўз шаклларидан қай бири тўғри?

— Воҳиджон, бу сўз арабчасига қандай ёзилади? — деб сўради устоз.

— Хе, вов, ё — учта ҳарфдан иборат, — дедим.

— Араб тили қоидаларига кўра, сўз қандай ёзилса, шундай ўқилади: уни "хуй" тарзида ўқиса тўғри бўлади.

— Кечирасиз, мен негадир бу сўзни "хай" ҳолида кўпроқ учратганман...

— Шошманг-чи, ўтиринг. Бафуржа гаплашайлик, — дея Исматуллоҳ Абдуллаев столининг тортмасидан бир нечта қалин китобни олиб варақлади ва бирдан юзи ёришиб:

— Ие, ие! Буни қаранг, худди мана шу сўзга араб тилида махсус эслатма бор экан: "хе" ва "ё" ўртасида "вов" ҳарфи келса ўқилмас экан. Бу сўзнинг фақат ва фақат "хай" тарзи саҳиҳ экан! — деди.

Мен устозга ташаккур изҳор қилдим ва шундай қилиб "хай" сўзи ҳақидаги ҳақиқатни билиб олдим. 1993 йили арабшунос Б.Ҳасанов "Навоий асарлари учун қисқача луғат"да "хай—тер" (299-бет), деб аниқ кўрсатган. Энди ваъдамнинг устидан чиқсам бўлади. Мумтоз адабиётимиз намуналарини нашрга тайёрловчи олимларимиз ўша тер томчиси маъносидаги "хай" сўзини қуйидаги шаклларда кўчирганлар:

Тўғриси — хай:

**Хайининг қатраси томғонда бир-бир,**
**Сочиб анжум киби оламға таъсир.**

("Фарҳод ва Ширин")

Хато вариантлар:
**Ҳайи жабҳанг аларға мои маин,**
**Тори зулфинг аларға ҳабли матин.**

(Алишер Навоий, "Мукаммал асарлар тўплами", 10-том. "Сабъаи сайёр", Тошкент, 1992, 20-бет.)

Хўй:

**Қатра хўйлуқ оразинг васфин Навоий қилғали,**
**Лутфи табъ назмин дурри макунун қилдило.**

(Алишер Навоий, "Мукаммал асарлар тўплами" 6-том. 1990, 27-бет.)

Ҳўй:
**Ҳўй қатрасида ғарқ эрур**
**холинг саводи, ваҳ, нетай,**
**Бир тийра кавкаб фитнаси**
**юз ахтари масъуд аро.**

(Алишер Навоий, "Мукаммал асарлар тўплами", 2-том. 1987, 25-бет.)

Кўринадики, Навоий йигирма жилдлигида ҳам навоийшунослар "хай" сўзини тўрт шаклда ёзмоқдалар.

Ўзбекистонда матншунослик тараққий этган ва этмоқда, деб ўзларини овунтираётган олимлар амалиётдаги бу манзарадан хабардор бўлмасалар керак, деб ўйлайман. Шубҳасиз, сўзнинг ҳар қандай иккинчи шакли китобхон идрокида унинг бошқа маънодаги талқинига олиб келади.

Луғат тузиш тажрибамизда луғатларни бойитиш сезиларли даражада ва жуда яхши. Бироқ, бизнингча, "луғат тозалаш"нинг ҳам вақти келди. Бу жиҳатдан бир неча сўз қисмати билан қизиқайлик. Жумладан, "сел"ми, "сайл"ми? "Темур"ми, "Таймур"ми?

"Навоий асарлари луғати"да "сайл-1. Сел, қаттиқ ёққан ёмғир; 2. кучли оқим, офат; сайл хиром — тез юрар, чопқир; сайл резий —1) Сел оқизиш. 2) маж. кўп йиғлаш" (541-бет), деган маълумотлар берилган.

Маълумки, луғатчиларимиз луғат сўзлиги тузишда форсий луғатлардан ҳам фойдаланадилар. Биз бундай сўзларни олганимизда "Ўзбек китобхони "сайл" сўзини "сел" деб тушунадими?", дея ўйлаб ўтирмаймиз. Бу яхши эмас. Чунки "Навоий асарлари луғати" "селоб—сел, сел суви, тошқин" (556-бет) ва "селандуз — селга айланувчи" (555-бет) деган маълумотлари билан ўзи таклиф қилган "сайл"нинг нотўғрилигини исботлаган.

Ўзбек "сайл" деганда оммавий хурсандчилик йиғинлари — сайлларни тушунади, холос. Балки форс "сайл", деб айтар, араб айтар. Айтаверсин. Аммо "сел" маъносида биз луғатимиз ва нашрларимизда ҳам "сел" сўзинигина олмоғимиз лозим. Араб "Темур"ни "Таймур" дейди. Майли, десин. Аммо ўзбек бу сўзни "Темур" деб ёзади ва шундай ўқийди.

Таъкидлаш жоизки, унификация — сўзнинг қатъий бир хиллиги фақат тузиладиган луғатга боғлиқ. Масалан, "Мийъод, миъод, мийод, миод" шаклларидан бирини танлаш керак бўлса, мен сўнггисини танлардим. Чунки тилимиз тараққиётида сўзнинг асл ёки аниқ ифодасидан кўра, нутқимизга уни мослаштириш тамойили кучлироқ. Бу сўз мумтоз адабиёт нашрларида ҳам шу шаклда кўпроқ учрайди.

Айрим сўзлар қисматида луғатлар келишуви, айримларида фарқлаш тенденциялари сезилади. Масалан, Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов тузган "Навоий асарлари луғати" "бўйла"-гагина рухсат берса, Ботирбек Ҳасанов тузган "Навоий асарлари учун қисқача луғат" тўғриси: *буйла (била)* бўлади (53—56-бет), деб талаб қилади. Аслида эса *бўйла, ўйла, айла, ила, била* шаклларида ёзилаётган сўзлар у ёки бу маъноларида келганида *буйла, уйла* тарзидагина ёзилгани маъқул кўринади.

Кираси эмас, киройи эмас маъноларидаги сўзни "Навоий асарлари луғати" уч шаклда тавсия этади: *гари, кари, кири* (305-, 311-бетлар). Бизнингча, буларнинг ҳам биринигина олиб, иккисидан воз кечмоқ керак.

Бироқ қандай қилиб? Чунки китобхон турли йиллардаги китобларни ўқиганда луғатга мурожаат этади-ку? Қолган, қабул қилинмаган шакллардан бирига дуч келсаю, уни луғатдан тополмаса нима бўлади? Бу муаммони қандай ҳал қилмоқ керак?

Афтидан сўзларнинг ҳамма шаклини олиб, изоҳ олдидан ёки охиридан сўзнинг шу шакли хатолигини қайд этиш усулини қўллаш керак. Шунинг аксича, сўзнинг тўғри варианти қаторида хато шакллари қайд этилса-чи? Бу масалани ҳал қилмайди. Чунки китобхон сўзни алифбо тартибидаги ўрнидан излайди ("хай" маъносидаги "хуй"ни "х"дан қидирмайди).

Учинчи бир ечим: сўзнинг хато шаклини ёзиб, изоҳламай "тўғри шакли...га қаранг" десак-чи? Бу ҳам тўғри эмас. Чунки ўша хато шакл — бошқа маънодаги сўзнинг тўғри шакли бўлиб чиқади: *хў, хўй, хуй, ҳўй* сўзларимиз бор-ку, ахир.

Тўғри айрим сўзларнинг бир шаклинигина талаб қилиш матн нашри амалиётига баъзан мувофиқ келмайди: вазн тақозосича *Искандар—Сикандар, қора—қаро, ики—икки;* қофия талабига кўра эса *қора—қаро, тафовут-тафоват, боргоҳ-боргаҳ, саҳаргоҳ—саҳаргаҳ.* Яна бир муаммо сўзга ортиқча "й" орттиришдадир: *кийнакаш—кинакаш; кийнахоҳ—кинахоҳ* сингариларни "й"сиз ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Луғатда бузилган сўзларни амалдаги тўғри ҳолатига қайтариш зарур: "Навоий асарлари луғати"даги *иъдом, иҳё, иҳдос, иҳзор, иҳмол, иҳсон, иҳсос, иҳтидо, иҳтизоз, иътидол, иҳтимол, иътимод, иҳтироз, иҳтиром, иҳтисоб, иҳтишом, иъжоз* сўзларини амалдаги ва тўғри ҳолатларда қуйидагича луғат тарзини тикламоқ жоиз: *эъдом, эҳё, эҳдос, эҳзор, эҳмол, эҳсон, эҳсос, эҳтидо, эҳтизоз, эътидол, эҳтимом, эътимод, эҳтироз, эҳтиром, эҳтисоб, эҳтишом, эъжоз.* Чунки нашр амалиётида кўпинча таклиф қилинаётган тўғри шаклларда бу сўзларга дуч келмоқдамиз.

Асоссиз икки сўз — "хунёгар" ва "хунягар" бир сўз ҳолига келтирилиши ва биринчи шакли қабул қилинмоғи жоиздир.

Мумтоз адабиётимизда *биллур, биллурин, биллурий* сўзлари бўлмаган. Бу сўз тўғри шаклининг ўзаги *булўр* бўлгандир. Ана шу ўзак ва унга мослаштирилган *булўрин, булўрий* сўзлари луғатда акс этмоғи зарур. Навоий *биллур* сўзини эшитмаган ва ёзмаган.

Луғатчиликдаги яна бир масала қўшма сўзлар муаммосидир. *Дил осо, қатра осо, равон осо, аморат маоб, гул огин, одил ниҳод, Баҳман нажод, заррин камар, золим сиришт, зиреҳ пўш, ришта тоб, рўй андуд* сингари қўшма сўзларни *дилосо қатраосо, равоносо, аморатмаоб, гулогин, одилниҳод, Баҳманнажод, зарринкамар, золимсиришт, зиреҳпўш, сабзпўш, риштатоб, рўйандуд* тарзида қўшиб ёзилса тўғри бўларди. Шунингдек, *-омиз, -овиз* қўшимчалари амалиётда тўғри қўлланиб келинаётган *–омез, -овез* ҳолида қўлланилса маъқул кўринади; *дастовез, овеза* сингари.

Луғатда сўз қўллаш масаласидаги чигал муаммолардан бири билиб-билмай сўзга "й" ҳарфини орттириш ҳолатларидир: *жаҳонбийн, истийло, истийфо* сингари сўзларни *жаҳонбин, истило, истифо* шаклларига келтирмоқ даркордир.

Юқорида тузилажак Навоий асарлари тили луғатининг инобатга олиниши лозим бўлган муаммоларидан бир қисминигина ўртага ташладик, холос. Ўйлаймизки, бу соҳа мутахассислари булардан ҳам муҳим ва долзарб масалаларни кўтариб, даҳо шоиримиз асарлари луғати савиясини юксалтириш учун жон куйдирадилар.

Яна бир масала. Алишер Навоий "Тўла асарлар тўплами"га илова тарзида Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов тузган "Навоий асарлари учун луғат" китобини таҳрир этиб, илова қилинса, ўн беш жилдли "Асарлар" иловаси бўлган бу луғат ушбу янги тўла нашрга тор либос бўлиб қолмасмикан? Назаримизда, "Алишер Навоий асарлари учун луғат" (4 жилдли) китобларидан қийин сўзлар танланиб, янги мукаммал луғат тузиш лозим.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ**

Журналларни варақлаганда

## "ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

### 2011 йил 5-сон



Журналнинг илк саҳифаларидаги Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Умримиз боқийдир, боқий!" сарлавҳали публицистик мақоласида истиқлол шарофати билан халқимиз тафаккури тарзида бўй кўрсатган ўсиш ва янгиланишлар ҳақида фикр юритилади.

Шеъриятга ажратилган саҳифаларда шоирлардан Маҳмуд Тоир, Ҳалима Худойбердиева, Турсун Али, Фахриёр, Икром Искандар, Ўктамой, Лайло Шарипова, Ойдиннисо, Юсуф Худойқул ва Болтабой Бекматовнинг янги шеърий туркумларидан баҳраманд бўласиз. Анвар Юнусжоннинг ғазаллари, ёш ва бошловчи шоирлар ижодидан намуналар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

Абдумутал Абдуллаевнинг "Ҳазрати Аттор" номли маърифий, Файзулла Салаевнинг "Узро" номли фантастик қиссалари, Абдунаби Ҳамронинг ҳикояси ҳамда Исажон Султоннинг "Озод" романи давоми наср ихлосмандлари эътиборига тақдим этилган.

Адабий жараёндаги ютуқлар, айрим адабий тур ва жанрлардаги ўсиш-ўзгаришлар, адабиётшуносликнинг бугунги долзарб муаммолари, ёшлар шеъриятидаги етакчи мавзу ва уларнинг бадиий талқинлар, адабий мерос масалаларининг тадқиқи ва таҳлили билан Иброҳим Ғафуров, Бахтиёр Назаров, Нўъмон Раҳимжонов, Зокиржон Орипов, Тоштемир Турдиев, Шаҳобиддин Нуриддинов, Дилмурод Қуронов, Рухсора Тўлабоева мақолалари орқали танишасиз.

"Гулқайчи"да Турсунбой Адашбоевнинг "Ажиб ҳангомалари"ни ўқийсиз.

## "ЁШЛИК"

### 2011 йил, 10-сон



Моҳир таржимон Қодир Мирмуҳамедов билан суҳбатда таржима тарихи, мутаржим маҳорати, мазкур соҳадаги ўсиш-ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади. Атоқли шоирларимиз Абдулла Ориповнинг янги туркуми, Жамол Камолнинг "Адиб хонадонида" рукнидаги "Адабиёт — нурли сўз" сарлавҳали мақоласи ва бир туркум ғазаллари "Ёшлик" муштарийлари учун ўзига хос тухфа бўлган. Шеъриятимизнинг навқирон авлоди вакиллари Сирожиддин Рауф, Нилуфар Умарова шеърлари, бошловчи қаламкашларнинг шеърий машқлари ҳам журнал мундарижасини бойитган, рангбаранглик бағишланган.

Эркин Аъзамнинг "Фаррош кампирнинг туши" номли драматик асари ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ғулом Каримийнинг "Темирчилар исёни", Муҳаммад Зиёнинг "Йўл" ҳикоялари, Абдуқаюм Йўлдошнинг "Сеҳрли кинолар, сирли кинолар..." эссесини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

Муҳаммаджон Холбековнинг "Зулматдаги нур" мақоласида машҳур адиб Франц Кафка ҳаёти ва ижоди ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, ушбу сонда ёш тадқиқотчилар Зарина Раҳмpraнованинг "Икки томчи асал тоти" ва Зокир Пардаевнинг "Боққил бу диёрнинг..." мақолалари билан танишасиз.

Турк адиби Умар Сайфиддиннинг "Баланд пошналар" ҳажвий ҳикоясини аслиятдан Замира Ҳамидова таржима қилган.

## "ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"

### 2011 йили, 3 — 4-сонлар

Шу кунларда журналнинг бир йўла икки сони босмадан чиқди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Н.Нурмонов, А.Мадвалиев ва Н.Маҳкамовнинг истиқлол даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти, Н.Каримовнинг ўзбек адабиётшунослигининг янги босқичи тадқиқ этилган мақолаларини журналнинг 3-сонида ўқийсиз. Олимлар Н.Маҳмудов, М.Миртожиев ва Д.Худойбергановaнинг илмий тадқиқотлари тилшуносликнинг долзарб мавзуларига бағишланган.



Адабиётшунослардан У.Ҳамдамовнинг "Лирик субъект эврилишлари", Р.Шариповнинг "Жадид адабиётида ислоҳот ғоялари", Р.Муллахўжаеванинг "ХХ аср ўзбек шеъриятида Ватан тимсоли" ва М.Жўраеванинг "Табу ва топишмоқ" мақолалари ҳам журналнинг ушбу сонида босилган.

Ёш тадқиқотчиларнинг илмий ахборот ва тадқиқотларида адабий мерос, замонавий ўзбек шеърияти ва насри, таржима тарихи, истиқлол даври болалар адабиёти, тилшуносликнинг муҳим масалалари ёритилган. Р.Ражабованинг "Насойим ул-муҳаббат"да Амир Темур сиймоси", Р.Тожибоевнинг "Уч Харобатий" кимлар эди?", Б.Холбекованинг "Инглизчадан ўзбекчага таржима тарихига бир назар", М.Шарипованинг "Навоий ғазалларидаги ҳарфий тамсиллар ҳақида", Ё.Одиловнинг "Сўзнинг қарама-қарши маънолари" сингари илмий мақолалари шундай изланишлар сирасидандир.

Журналнинг 4-сонида Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан навоийшунос олимлар ва тадқиқотчилардан И.Ҳаққуловнинг улуғ шоир шеъриятида сўз ва маъно, Н.Бекованинг "Девони Фоний"нинг ўрганилиши, Д.Салоҳийнинг Жомий ва Навоий ижодий ҳамкорлиги, С.Олим ҳамда Р.Жумаевнинг "Мантиқ ут-тайр" ва "Лисон ут-тайр" қиёси, "Лисон ут-тайр"даги бир маъжозий образ" мавзуларидаги таҳлилий мақолалари берилган. "Адабиётшунослик" рукнида Б.Назаровнинг "Ёзувчининг маънавий жасорати", А.Расулов ва У.Расулованинг "Бадиий-биографик асарларнинг ўзига хос хусусиятлари", А.Муҳаммаджоновнинг "Бўри культининг илдизлари ва талқинларига доир" тадқиқотлари билан танишасиз. Э.Бегматов ва Д.Худойбергановaнинг илмий мақолалари тилшунослик масалаларига бағишланган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида "Илмий ахборот" рукнида ёш тадқиқотчиларнинг адабиётшунослик ва тилшуносликнинг айрим мавзулари ёритилган илмий изланишлардан хабардор бўласиз. "Мерос" рукнида "Фусули арбаа"(Тўрт фасл) асари матни, шунингдек, янги нашрлар ҳақидаги тақриз ва библиографик маълумотлар, заҳматкаш олимларимиз ҳақидаги дил сўзларини ўқийсиз.

Нигоҳ

# БАДИИЙ ТАЛҚИН ВА РАМЗЛАР МАНТИҚИЙЛИГИ

Исажон Султоннинг "Боқий дарбадар" романи биз одатланган, миллий насримиз йўсинида яратилгандек туюлади. Аслида у ўзига хос постмодернистик асар. Романдаги етакчи хусусият кескин бурилиш, ўзгарувчанлик. Асар ҳажман мўъжаз, мазмунан теран, кенг кўламли. "Боқий дарбадар" романида уммонлар, Африка, Осиё саҳролари, қанчадан-қанча юртлар Нуҳ тўфонидан қолишмайдиган, минг-минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлган даҳшатли бўрон воситасида кўрсатиб берилган. Бўрон, теран мулоҳаза юритилса, табиат ҳодисасигина эмас, ношукур, хом сут эмган бандаларнинг гуноҳи азимлари эвазига юборилган илоҳий ғазаб кўриниши.

Мутлақ ҳакамнинг ҳукми дуонинг ижобати, қарғишнинг азоб-уқубати сифатида намоён бўлади. Муборак зотнинг дуойибади, Худодан сўраган жазосининг амалга ошиши баҳонасида Исажон Султон ўтган вақт қатламларига чуқур кириб боради. "Боқий дарбадар"да ёзилишича, 2045 йил муқаддам машъум бир воқеа рўй берган. Қўл-оёғига кишан урилган Муборак зотни қатл қилишга олиб бораяптилар. Жума куни. Оломон тўйда ҳам, мотамда ҳам ҳозиру нозир. Нима бўлдию Муборак зот қалқиб кетди, бир уйнинг деворига суянди. Шу пайт 43 ёшли Этикдўз оломон орасидан ажралди-да, "шиддат билан олға интилиб, уни икки қўллаб итариб юборди". "Шунда Муборак Киши қуйи эгилган бошини кўтарди, унинг тиниқ ва нурафшон нигоҳи билан Этикдўзнинг олазарак кўзлари тўқнашди.

Ва у Этикдўзга қараб шундай деди:

"Тургин ва бадар кетгин!".

Муборак зот Этикдўзни маҳшар кунигача ўлмагин, умринг дарбадарликда ўтсин, ҳамма ишинг бесамар кетсин, дея дуойибад қилган эди.

Боқий дарбадар икки минг йилдан кўпроқ вақт давомида юраверди, ўлимни интиқлик билан кутди, даҳшатлиси, узоқ умридан ном-нишон қолмади. Унинг дайдишларини, маъносиз умрини кузатиб, китобхон вақтида ўлиш, яъни тупроқ бағрига кириб кетиб, ўзидан из қолдириш юксак бахт эканлигини дилдан ҳис қилади. Хуллас, "Боқий дарбадар"да макон, замон мураккабликлари, азоб-уқубатлари билан тасвирланади. Ибтидо интиҳоси, ҳаёт ўлими, вақт мазмунли якуни билан гўзалдир.

"Боқий дарбадар"да иштирокчи қаҳрамонлар кам: Этикдўз, Муборак зот, Ҳазрат Хизр, Авлиё, дарбадар тўда Карвонбошиси, Авлод (ҳеч бирининг исми айтилмаган), рақамланган сунъий одамлар, баҳайбат тошбақа, тусланувчи калтакесак; даҳо Грегор Мендел, ўзбек профессори Зиё, астролог-драматург Гвидо Бонатти, Ҳайбар шаҳри... Қизиқ, Этикдўз, Муборак зот, Авлиё, Грегор Мендел деярли гапирмайди. Хизр, Зиё "чурқ" этиб оғзини очмайди. Ҳайбар тарихи мубҳамроқ, Гвидо Бонатти моҳиятини англаб етмадим, шекилли. Муборак зот, Авлиё, Карвонбоши қария калит сўз, гапларни айтадилар, холос. Зийрак китобхон калитни қулфга солиши, маънолар хазинасига кириши керак. Муборак зот, Ҳазрат, Хизр — Оллоҳ инон-ихтиёрини амалга оширувчи башоратчи, каромат кўрсатувчилар. Авлиё умр бўйи Яратган йўл-йўриғини бажарди: тоат-ибодат қилди. Ҳар куни жаннат меваси — анжирдан бир донасини истеъмол қилади. Маскани тоғдаги торгина ғор. У яшаётган ғордан тириклик, гўзаллик ифори таралиб туради. Муборак зот бўронгача, Авлиё, дарбадар тўда, унинг етакчиси, Зиё бўронда вафот этади. Бўрон одамларни, улкан техник воситаларни, ҳайвонотни, ҳашоротни, ўсимликларни йўқ қилиб ташлади.

Романда мавжудот, махлуқот, инсон аро боғлиқлик масаласига эътибор қаратилган. Саксон ёшли Карвонбоши мурғак, зийрак набираси билан ғалати суҳбат қуради:

" — Парвардигорнинг даргоҳи кенг, у кўп нарсаларни сирлар пардасига яширган. Одамлар уларнинг баъзиларини биладилар, баъзиларини билмайдилар. Дунёда кўзга кўринмас жонзотлару ҳодисотлар мўл. Уларни одам кўрмайди, холос, лекин баъзи жонзотлар кўради.

— Сиз буларнинг тилини қандай англай оласиз? — деб сўради болакай.

— Одам боласидан бошқа ҳамма бир тилда гаплашади, ўғлим, —деди оқсоқол. — Аслида, бундай сирларни қанча кўп англаганинг сайин шунча кўп сукутга толасан. Чунки баъзи билимлар ҳатто ҳалокатли бўлади, болам".

Мен Карвонбошининг зийрак набирасини қаердадир кўргандай, хаёлидан ўтаётган фикрларни билгандай бўлавердим. Хотирам битигидаги "Муножот" қиссаси, унинг ҳеч кимга ўхшамаган Ғариб исмли қаҳрамонини эсладим. Исажон Султоннинг илк қиссаси "Муножот"да ёш қаҳрамон Ғариб ўт-ўлан, дов-дарахтни мангу ҳаракатда деб билади. Бу ҳам етмагандек, қари бир дарахт жуда қадим замонда яшаб ўтган донишманд мўйсафиднинг қотиб қолган тимсоли бўлиб туюлади. Ҳамма донг қотиб ухлаётган тунларда Ғариб аждодлар руҳи билан суҳбат қуради. Кўзга кўринмас руҳлар Ғарибни гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдириб, шафоат ёғдусидан баҳраманд этадилар.

Исажон Султоннинг "Айвон" ҳикоясида Катта, Ўртанча, Кичик ўғил тимсоллари яратилган. Зовурдаги тилла балиққа уч ўғил уч хил қарайди. Катта ўғил тилла балиқни отиб, онасига қовуриб беради. Ўртанча ўғил балиқда яқинда вафот этган отаси руҳини кўради. Кичик ўғил мўъжизага ишонадиган, гўзалликни ўзича ҳис қиладиган бола. Ўртанча ўғил хаёл оламидан реал оламга ўтиш жараёнида. Катта ўғил отасидан роса калтак еган. Ҳатто Ота уни томга отиб юборган. Тошмеҳр, бепарво ота туфайли она дардманд бўлиб қолган. Кичик ўғилнинг қарашлари самимий, тушунчалари нурдай ёп-ёруғ. У Карвонбоши неварасига, Ғарибга ўхшаб кетади. Мана, унинг қарашлари:

"Агар кичик акам сирни очиб қўймаганида, катта акам уни энамга пишириб бермаганида... Ўсиб-ўсиб бир куни росмана тилла балиққа айланарди. Ўшанда ҳаммамиз бориб, тутиб олардик, балиқ "Тила, тилагингни" дерди, бизлар ҳам тилагимизни айтардик.

Энди мен нима қилай? Тилакларим, истакларим мўл эди, кимга айтай?

Фақат Худогами?.. Ёлғиз Худогами?".

Ёшида камида икки минг йил фарқи бўлган Этикдўз билан Мамасиддиқ пишиқ ("Тодд" ҳикояси) табиатида яқинлик бор. Ҳар иккиси одамови, "ўзим бўлай" дейдиган тоифадаги кишилар. Ёши ҳам деярли тенгдош. Лекин уларнинг пешонасидаги битикда ер билан осмонча фарқ бор. Қирқ уч ёшгача Этикдўзни ҳеч ким назар-писанд қилмади, бор-йўқлигини билмади. Боқий дарбадарлик ҳукмига маҳкум этилгач, унинг фожиаси бошланди: яшаш жонга тегди, ҳеч кимга керакмаслиги азоб бера бошлади, ўлимни излай-излай зерикди.

Мамасиддиқ кун кўрди, аммо умрида рўшнолик топмади. Эрта уйланди, уч фарзандли бўлди, тинимсиз меҳнат қилиш иккинчи табиатига айланди. Зорланмади, тақдирга тан берди. Урушга кетди, асирга тушди, олис совуқ, зимистон шаҳарда бир неча йил ишлади. Дарбадар ўлимга интилиб яшаган бўлса, ўлим Мамасиддиқни ҳамиша таъқиб этди. Фашистнинг тошмеҳр зобити ҳар куни арзимаган баҳона сабабли ўнга яқин асирни отиб ташларди. Мамасиддиқ Жаллод зобит қаҳрига дучор бўлмади. Аксинча, зобит жони итникидан ҳам қаттиқ осиёликни сийлаб юборди: ҳар куни унинг ёвғонига бир тишлам гўштни ортиқроқ ташларди. Шимолдаги совуқ шаҳарда Мамасиддиқнинг қанчадан-қанча юртдошлари ўлиб кетди: бу ерда ҳам ўлим уни четлаб ўтди. Қишлоғига қайтди, уч боласини бағрига олди. Уйланди. Яна саккизта фарзанд кўрди. Ҳамма болаларини уйли-жойли қилди. Сира тинмади: ҳали ишга боради, ҳали томорқада ғимир-ғимир қилади, ҳали бозорга шошилади... Дарди бедавога йўлиқди: ўзига раҳми келмади, тинимсиз меҳнат қилаверди. Мана, Мамасиддиқнинг катта ўғли ҳикояси: "Хотиним овқатни сузиб келтирди. "Олинглар, олинглар" билан қўл узатдик. Отам шўрлик... овқатни қошиқда оғзига обордию ютолмади, қошиқ тарақлаб лаганга тушди, ўзи орқага кетиб борди... Бир маҳал икки кўзидан икки томчи сариқ ёш оқди. Бир нима демоқчи бўлиб уриниб қийналди, кейин лабидан заиф бир "пуф" чиқди...

Чиққан нафаси қайтиб кирмади...".

Ўйлаб кўрилса, Мамасиддиқ ҳам, боқий дарбадар ҳам бахтсиз одамлар. Бири ўз қадрини билмади, "Мен ҳам одамман-ку!", деган фикрдан йироқ бўлди. Этикдўз — дарбадар яшай-яшай, олам кеза-кеза чарчади. Даҳшати: самарасиз, изсиз-илдизсиз, тирик ўлик бўлиб судралиб юрибди. Бола-чақа бағрида, ўз уйида, беозоргина жон таслим қилган Мамасиддиққа у ҳавас қилган бўларди.

Исажон Султон романидаги замон, макон, ҳаёт-мамот, илоҳий, табиий боғлиқлик сингарилар фалсафий тушунчалардир. Ҳар бир тушунча, алоқадорлик асосида зиддият, қарама-қаршиликлар кураши бор. Ҳар бир қаҳрамон, тимсолнинг ўз вазифа, функцияси бор. Дарахтга қўниб олган қора қушлар, ҳашоратлар, саксовулга чирмашиб олган ўқилон, шамол—бўрон—тўфон, табиат тили, бобо ва набира суҳбати — ҳамма-ҳаммаси рамз — остки маъноларга ҳомиладор тушунчалар...

Исажон Султон услубида синчковлик — нозик ҳолат, ўзгариш, тусланишларни кўриш ва тасвирлаш фазилати бор. "Муножот" қиссасини ўқиганимда Ғарибдаги кузатувчилик, бошқалар хаёлига келмаган ҳолатларга эътибор берилганликни сезганман: "Кунларнинг бирида болакай ялпизлар орасида, ариқча бўйида хаёл суриб ётиб, нохос поядан ўрмалаб бораётган улкан бошли қизил чумолини кўриб қолди. Чумоли қари эди, гавдасининг катталиги, рангининг тўқлашиб, айниётганлигини ва қорамтир кетидаги кўплан кўп ажинсимон ҳалқалар шундан далолат бериб турарди. У боланинг шундоққина кўзи рўбарўсидан ўтиб борар, салом-алик ўтининг узунчоқ уруғини қийнала-қийнала сургаётган эди. Енгил уруғ пўстлоғининг ўткир учи ялпиз поясининг ғўдирини жойига тиралиб қолган, уни судраш учун, аввало, орқага хиёл итармоқ лозим эди, чумоли эса жони борича кучанган кўйи тортишда давом этарди... Чумоли тинмай чиранаверди ва, пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-сарғиш суюқлик отилиб чиқа бошлади, ҳавони чумоли заҳрининг ўткир иси тутиб кетди".

Нанотиббиёт, ген муҳандислиги клонлар яратилишига сабаб бўлди. И.Султонов романида сунъий одам яратиш йўлидаги юзлаб тажрибалар, синовлар жараёни тасвирланган. Сунъий одам яратиш муаммолари халқаро симпозиумда кўриб чиқилди. Ўнлаб жонзотлар намойиш этилди. Профессор ўзи яратаётган сунъий одамга баҳайбат тошбақа, махсус танлаб олинган калтакесак ДНК ҳужайрасини ўрнатди. Қанчадан қанча янги ҳужайраларни сингдирди. Зиё яратган сунъий одам ақллилиги, бақувватлилиги, хавфли вазиятларда кўзга кўринмай қолиши, ҳар қандай тўсиқдан ўтиб кета олиши билан шов-шувга сабаб бўлди. Халқаро анжуман бошланишидан икки кун олдин у қалин бетон девор, ойнаванд қафасдан чиқиб кета олди.

Ёзувчи ўз романида ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга ўгира олган. Сунъий одам олам эгасини танимоқчи, ўз мақсадини амалга ошириш учун дарбадарлик мақомини танлайди. Ёши 2000дан ошган, дуойибад қилинган дарбадар билан бир макон, ҳозирги замонда "баланд бўйли, ёш ва забардаст, ялангаёқ бир йигит", "узун бўйли, сочлари елкасига тушган бир одам" — Зиё профессор бунёд этган сунъий инсон яшаяпти. Романда профессор Зиё гапирмайди. Аммо унинг интеллектидан бунёд этилган сунъий одам, биологик вужудидан пайдо бўлган ўғил - авлод сўзлайди. Икки қаҳрамон қараш, интилиш, мақсадлари профессор Зиё характерини ифодалайди.

Ўзбек олими илми, истаги, интилишидан яратилган сунъий одам 7 банддан иборат ўз дастур — мақсадини ифодалайди. Ҳар бир банд инсонни ўйлаб иш қилишга, табиат мувозанатини бузиб юбормасликка ундайди. Сунъий одам мурожаат — дастур-мақсади дунё етакчиларини сергак торттиради. Уни излайдилар, таъқиб этадилар. Битта сунъий одамни йўқ қилиш учун осмонга турли русумдаги учоқлар чиқарилади. Осмон ола-тасир бўлиб кетади. Лекин паст учаётган учоқлар ҳам тусини зумда ўзгартира оладиган сунъий одамни йўқ қила олмайди. Сунъий одам фаолияти бошланса, глобаллашув жараёнининг инсон тасаввур этиши мушкул бўлган бошқарув йўсин-усуллари амалга ошмай қолади. Ҳозир оламнинг бадавлат одамлари, йирик-йирик иқтисодий-молиявий компаниялари етакчилари дунёни янги тартибда тақсимлаб олиш режаларини пишитмоқдалар. "... Яна бир қанча вақт ўтгач, дунёда на ватан, на миллат ва на тил тушунчаси қолади, деган башоратлар наҳотки ҳақ бўлса? — деб ўйлайди Профессор. — Бу жараён балки аллақачон бошланиб улгургандир?.."

Зиёнинг илмдаги кашфиёти — Сунъий одам яшаяпти, оламни кезиб юрибди. Табиийки, сунъий одамнинг Яратганга тўла-тўкис ишониши бадиий тўқима, ёзувчи идеалидир.

Зиёнинг ўғли — Авлод маънавий муаммолар, ўлмас қадриятлар олдидаги бурч ҳақида гапиради. Афсуски, ўғилнинг қимматли фикрлари жўнгина, саёзгина ифодаланади. Англашимча, ўғилнинг мулоҳазалари ватанпарварлик, аждодлар руҳи олдидаги бурч масалаларига нигилистик муносабатда бўлганлар қарашларини ўзгартириб юбориш даражадаги таъсир кучига эга бўлмоғи лозим. Бутун бошли романда жонлироқ, бадиий-эстетик юк — вазифа юклатилган аёл образининг йўқлиги ғалати туюлар экан. Ўғилни туққан, унга меҳр берган аёл — Зиёнинг хотини тимсолини яратиш мумкин эди-ку?

Профессор Зиёнинг салоҳияти, узлуксиз изланишлари самараси ўлароқ, яна бир дарбадар Сунъий одам яратилди. "Баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам" — янги дарбадар аввалгисидан улуғ мақсади, Яратганнинг мавжудлигига шубҳа қилмайдиган бадиий мўъжизалиги билан диққатга сазовордир.

"Боқий дарбадар" тафаккур юритишга, борлиқнинг мангу қонуниятларини англаб етишга ундовчи фалсафий-рамзий романдир. У бадиий жиҳатдан ҳали мукаммал эмас — етишмовчиликлари ҳам бор. Исажон Султон ушбу асарида ўз услубини, бадиий авжи даражасини намоён эта олган.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**профессор**

Усмон НОСИР

# ШЕЪРИМ! ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН



## ЯНА ШЕЪРИМГА

*(сонет)*

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди — нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўрток тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйнингда,
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен — Мажнунман,
шеърим, сен — Лайли!

*1935 йил.*

## МОНОЛОГ

Севги! Сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?
Дардинг ёйлай тилиб кўксидан,
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?

Сени яхши биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор.
Буюк Римнинг Сапфоси азал
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Биламанки, Тассо бечора
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.
Эй маккора қиз, Леанора,
Номи қора билан ёзилгур!..

Балки, гулдан яралган пари
Тош кўнгилли Биатриче
Гадосан, деб қочмаса нари
Данте бахтли бўларди пича!

Балки, Гамлет ойдин тунларда
Офелияни эркалатарди,
Балки узун сочини силаб
Азонгача эртак айтарди.

Агар хиёнатни билмаса,
Эзмаса фожиа юрагин!
Йўқ. Йўқ, шоир! Гар шундай бўлса,
Шекспирнинг йўқди кераги!

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан, Отелло, биламан,
Отелло ҳақлими?.. Шоир жим!..

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!

Қандай қўрқинч! Қандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлидан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй олий жаноб,
Неча юракни айлаб хароб
Шоҳона тож кийган муҳаббат,
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат.

Ки одамнинг ўзинигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.

Парвонадек қаноти куйган,
Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.
Умр тепасида мушт туйган...
Қийналаман виждон билан мен,
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Ўз зиммамга катта иш олдим:
Эҳтимолки, тамом қилмасдан —
Умрим тугар. Аммо бўлмайди
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди).
Сенга қарши бош кўтармасдан,
Асрларни йиғлатган севги!!!

*1933 йил.*

## БОЛАЛИГИМГА

Капалакнинг гул эмганин кўрдим,
Эслаб кетдим сени, малагим...
Сен бердингми, шунча ширин шеърни,
Эй, барглари кўм-кўк палагим?

*1934 йил.*

## ЙЎЛЧИ

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,
Ложуворд уфқнинг тубига яқин.
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,
Чайқалар; кўзларим тикилган сари.
О, йўллар!..
Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!
Муродга қасд қилиб югурган етур.
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?
Тириклик не керак бемеҳнат, беғам?!
Чу, қора йўрғам!

*1935 йил.*

## БОҒИМ

О, у қандай фусункор!
Нур билан тўлган бутун
Гуллари чаман-чаман
Мен уларни ичаман.
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман!
Ҳаётимнинг давоми —
Келажагимга ҳомий,
Ўрнимга боғбон бўлур:
Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичаман.
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

*1935 йил.*

## Яшаётган сатрлар

## НАХШОН

*(Бағишлов)*

Боғларга намозгар
Салқини тушди.
Гуллар нам баргини
Қайирди аста.
Офтоб ҳам сув ичар
Тоғлардан пастда,
Лоладек қип-қизил
Ўт шафақ ўчди.

Кўз тутдим,
Кўзларим нигорон бўлди,
О, Дилбар,
Симбарим, юзлари қирмиз,
Киприги кўксига
Соя солган қиз,
Кўз тутдим,
Юрагим тўла қон бўлди.

Шаббода болалардай
Гулзор узра шўх,
Ой фонарини
Ёқди — қиз оқшом,
Яша!..
Сен келдинг
Севгилим, Нахшон,
Сув қизи — сувсарим,
Киприклари ўқ,
Сен келдинг,
Кўнглимга сув каби оқдинг.
Сен келдинг,
Руҳимда яшаш бошланди,
Севинчдан кўзларим
Беҳол ёшланди.
Сен келдинг,
Шеъримга чечаклар тақдинг.

Сен келдинг,
Ваъдамга вафодор малак,
Оппоқ кўнглингними,
Сийпалаб ўпай?
Қора сочингними,
Сийпалаб ўрай?
Ваъда этайинми,
Сенга деб фалак?

Арзирди
Фалакни этсам ҳадя,
Афсус...
Фазо ҳали менга қул эмас,
Майли... боримни
Айлай армуғон
Гарчи у,
Ажойиб, асл гул эмас,
Нахшон, эй, ёшлигим
Севгилим, ма, ол!
Ишқимнинг энг олий
Туҳфаси — шеърим.
Ўқи!
Лабларингдан тўйиб эмгани,
Шеъримга беркинди
Атайлаб меҳрим...

*1935 йил.*

---

Саъдулла СИЁЕВ

# ТАЗАРРУ

Ҳикоя



*Сўнгги қийнолғон ёмондур,*
*Сўнгги қийнолғон ёмон.*

***Эркин Воҳидов.***

Собиқ ширкат раиси Бердиёр Келдиёров неча кундирки, ўлим билан олишиб ётибди. Вужуди ўт бўлиб ёнади, аъзои бадани игна санчгандай ачишади. У шифтга боқиб, уҳ тортади, инграниди, тўлғонади. Гоҳо кўзига ёш олиб Яратганга ёлборади:

— Мунча қийнамасанг, э худо! Бундан кўра жонимни олсанг ҳам розиман...

Келдиёровнинг илтижоси етиб бормадими ва ё халлоқи олам бу осий бандасини синаб кўрмоқчими, ҳар қалай унга ажал фариштаси қайрилиб қарай демади.

Нозимахон кириб, эрининг бошига ўтирди.

— Тузукмисиз, отаси? Қаерингиз оғрияпти?

Келдиёров аранг лабларини қимирлатди:

— Жоним оғрияпти, кўнглим оғрияпти...

Келдиёров калласини болишга уриб оҳ чекди, тағин тўлғонди, инграниди.

Кунда-кунора дўхтирлар келиб-кетиб туришибди. Бироқ уларнинг муолажаси ҳам фойда бермади. Келдиёров кун сайин сўлиб борарди. У бедаво дардга йўлиққанга ўхшарди.

Бир куни Келдиёров уйқу дори ичдию бир лаҳзага кўзи илинди.

Тушига бошдан оёқ оппоқ либос кийган, басавлат қария кирди. У бўсағада Келдиёровга қаттиқ тикилиб турарди.

— Шунча йил бадалига сен ўзингни ўйладинг, — деди қария, — ўзганинг дарди билан ишинг бўлмади. Одамлардан астойдил кечирим сўрамасанг, жон азобидан қутулмайсан.

Келдиёров кўзларини очди. Мўйсафид ғойиб бўлган эди.

Нозимахон кирди.

— Уйғондингизми, отаси? Дорингизни берайми?

Келдиёров йўқ, дегандай бош чайқади. Хотинига ҳозиргина кўрган тушини айтди.

— Сиз Хизр Алайҳиссаломни кўрибсиз, — деди Нозимахон. У ўқимишли аёл эди. — У кишининг айтганини қилинг, зора дардингиз енгиллашса.

Келдиёров хаёлан ўтган умрига назар солди. Ўттиз йил у отдан тушмади. Ўттиз йил катта-кичик бир жамоага раҳбарлик қилди. Ҳа, энди раҳбар бўлгандан кейин бировга қаттиқроқ гапирасан, бировга юмшоқ гапирасан. Лекин.. тушидаги қария айтмоқчи, у фақат ўзини ўйладими? Қўл остидагиларнинг дардига дармон бўлмадими? Бировни ноҳақ ранжитдими? Олдига мадад сўраб кирган бирор кимсанинг ҳожатини чиқармадими?

Келдиёров одамлар олдидаги қарзини бўйнига олгиси келмасди: «Мен тепадаги катталарнинг топшириғини бажардим. Яхшими- ёмонми идорани тебратиб турдим. Нима гуноҳ қилибманки, ҳаммадан кечирим сўрасам. Ахир бировга ёмонлик қилмадим-ку?»

Шу он ғойибдан бир нидо келди: «Келдиёров, қўлингдан келган бир муҳтожга яхшилик қилмаслик, ёмонлик қилиш билан баробардир. Эсингни йиғ, танангга бир ўйлаб боқ, бу дунёга келиб, кимга не мурувват кўргаздинг?»

Келдиёровнинг ичига гўё типратикан кириб олгандек эди. У жим ётса, бемор ҳам бир лаҳза ором олади, қимирласа, жон-жаҳони ўртаниб, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ҳалиги ғойибона овоз гўё типратиканни туртиб уйғотгандек туюлди. Тағин Келдиёровнинг жигар-бағри пичоқ тилгандек ачишга тушди. Оғриқ кучайди. Азобнинг зўридан бемор терлаб кетди, ўзини ҳар ён ташлаб оҳ чека бошлади. Қўлини аранг чўзиб, қўнғироқ тугмачасини босди. Югуриб хотини кирди. Эрининг кўзлари бежо, у тўлғонар, нелардир деб ҳансирарди.

— Отаси, дўхтир чақирайликми, нима қилайлик? — деди Нозимахон ваҳима ичида.

Келдиёров бош чайқади.

— Йўқ, йўқ... — деди базўр, — дўхтир керак эмас... Ўғилни Эш...кувватовга юборинг. Тез келсин... мен од-одамлардан...узр сўрайман...

— Хўп бўлади, отаси, хўп.

Не ажабки, «узр сўрайман» дегандан сўнг Келдиёровнинг кўксини тимдалаётган типратикан бир неча сония тўхтагандек бўлди. Бемор бир кафт дорини оғзига солиб, кўзларини юмди.

Бирор соатда Эшқувватов етиб келди.

У Келдиёровнинг идорасида хўжалик мудири эди. Узоқ йил бирга ишлашди. Давлат Эшқувватов Келдиёровнинг ҳамтовоғи, ишонган кишиси эди. У кирганда бемор хийла ўзига келганди.

— Давлатбой, шунча йил бирга қатиқ ялашдик, — деди инқиллаб Келдиёров, — мана энди тўшакка михланиб қолдим. Беш кунлигим борми, йўқми, худо билади. Отамиз раҳматлик қазо қилганларида сиз ҳиммат қилиб, у кишининг йигирмасини ўтказиб бериб эдингиз. Мен аҳмоқлик қилибман. Эсим бўлса, падари бузрукворимнинг маъракасини бировнинг бўйнига қўяманми? Ўшанда қанча харж қилган эдингиз, айтинг, бугун худойи қарзимни тўлаб, отамнинг арвоҳини шод қилмоқчиман.

«Ажал элчиси эшик қоқиб келганда энди ақлинг кирдими, мєъров?» деди ичида Эшқувватов. Бироқ сиртида қизариб кулди:

— Мен бу ишни фийсабилло савоб учун қилганман, хўжайин. Сиздан пул олсам, қилган савобим йўққа чиқади. Бир тийин ҳам олмайман.

— Оласиз! — деди Келдиёров пул чўзиб, — мени гўрда тинч ётсин десангиз, оласиз, Давлатбой. Бўлмаса мен рози эмасман.

Эшқувватовнинг раҳми келди. Собиқ бошлиғи у билан гўё видолашаётгандек эди.

— Майли, хўжайин. Иримига мана, икки шапалоқ олдим. Рози бўлинг.

— Сиз ҳам рози бўлинг. Баъзида ноҳақ гапириб ранжитган бўлсам, кечирим сўрайман.

— Сиздан гинам йўқ, хўжайин. Мингдан-минг розиман. Биз ота-боладек ишлашдик. Раҳмат.

Эшқувватовни кузатиб, Келдиёров бироз тин олди. Кейин ходимлар бўлимининг мудири Холиқуловни чорлатди. Мудир ўтириб, фотиҳа қилиб бўлар-бўлмас, Келдиёров мақсадга ўтди:

— Сизни узр айтгани чақирдим. Бир-икки марта курортга бориб, мени кўриб келдингиз. Анча чиқимдор бўлдингиз, қийналдингиз. Сизнинг олдингизда уятликман. Хизматларингиз учун қуллуқ, рози бўлинг.

— Э, одамни хижолат қилманг, Бердиёр ака, — деди шошиб Холиқулов, — сизни кўргани борган бўлсам, баҳонада ўзим ҳам дам олдим.

Келдиёров бош томонидан зарҳал қутича олиб, чўзди.

— Мана бу сизга. Оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасиз. Олинг!

Холиқулов, аччиқ тутунга йўлиққандек, иккала кафти билан ўзини елпиди.

— Қўйинг, одамни уялтирманг. Менга ҳеч қанақа совға керак эмас. Сиз соғайиб, ўрнингиздан туриб кетсангиз бўлди, шу бизга кифоя.

Келдиёров билагидаги тилло соатни ечди.

— Бўлмаса, мана бу соатни оласиз. Энди менга соатнинг кераги йўқ. Мендан эсдалик. Олинг!

Холиқуловнинг кўнгли суст кетди. Тилло соат оловдай чақнаб, кўзни ўйнатиб турарди.

— Манг, олинг. Олмасангиз хафа бўламан. Сиздан охирги илтимосим.

Холиқулов, «Жуда қизиқ бўлди-да, Бердиёр ака», деб бир лаҳза иккиланиб турдию соатга секин қўл чўзди.

Одатдагидек, ўпкасини қўлтиқлаб шофёри Сайрон Жаводов кириб келди. Келдиёров гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди.

— Сиздан кўп қарздорман, Сайронбек. Бозор-ўчаримиз бўйнингизда бўлди. Эрта демай, кеч демай хизматимизни қилдингиз. Раҳмат. Чеккан заҳматларингизга рози бўлинг. Гоҳо жаҳл устида ёмон гапирган бўлсам, кечириб қўясиз.

— Йўғ-е, хўжайин. Сиз отамдек эдингиз. Боласини уришиб-сўккани отанинг ҳаққи бор-да. Кечирим сўраманг, сиздан ёмонлик кўрмадик...

Келдиёров ёстиқ остидан машина калитини чиқариб, Сайроннинг олдига ташлади.

— Бу ўзингиз базадан олиб келган «Жигули»нинг калити. Сизга совға қилдим. Шунча йиллик ҳалол хизматларингиз бадалига. Олинг, мендан эсдалик бўлсин. Олмасангиз, виждоним қийналади, кўзим очиқ кетади.

Келдиёров ўлаётганга ўхшарди. Сайрон ноилож калитни олди. Собиқ хўжайинининг нимжон қўлларини сиқиб қўйди.

— Ўлманг, хўжайин, худо хоҳласа ўрнингиздан туриб, отдай бўлиб кетасиз.

— Қайдам. Буни Оллоҳ билади.

Келдиёров Холиқуловга айтиб, илгари бирга ишлашган ходимлардан уч-тўрттасини чақиртирди. Улардан узр сўради. Ризолик тилади. Ходимлар Келдиёровнинг қуриган оғочдек хазон бўлиб бораётганини кўриб туришарди. Уларнинг кўнглидан бу кимса етказган озор ҳалиям кетмаган эди. Бироқ, азбарои ўзбекчилик, деб Келдиёровнинг узрини қабул қилишди, «Сиздан гинамиз йўқ, илоё, ўзи шифо берсин», деб чиқиб кетишди.

Тавба-тазарру билан беш-олти кун ўтди. Келдиёров шифтга қараб ўй суриб ётибди. Одамлар олдида унинг яна бир азим гуноҳи бор эди. Бу гуноҳи учун у қайга бориб бош уришини билмай, лол эди, ҳайрон эди. Ҳар сафар қилган қилмиши эсига тушса, иситмаси чиқиб кетар, ўзини лаънатлашдан ўзга чора тополмасди.

Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Бир куни уни даҳрийлар идорасига чақиришди.

— Келдиёров, сизга муҳим топшириқ бор, — дейишди, — фалон туманда одамлар жуда динга берилиб кетибди. Авлиё, деб эски бир мозорга сиғинар эмиш. Ҳатто балиқларга ҳам авлиё балиқ, деб ном қўйиб олишибди. Сиз бориб, ўша мозорни буздириб ташланг. Балиқларни ҳам йўқотинг. Токи меҳнаткаш халқ қайтиб у ерга қадам босмайдиган бўлсин. Тушундингизми?

Келдиёров у пайтлар «дин — афъюн» деган сохта сафсатага ишонар эди. Айтилган туманга етиб борди. Қоратепа деган қишлоқ четкасида хароброқ бир ҳужра бор экан. Ҳужра олдида кекса қайрағоч.

Дарахт шохларига олақуроқ латта-путта илинган. Ҳужра ёнбошидаги мўъжазгина кўлда билакдай келадиган қопқора балиқлар ўйноқлаб юрибди.

Келдиёров бульдозер топтириб, авлиёнинг турбатини буздириб ташлади. Кўлга машина-машина шағал тўкдирди. Қайрағочни таг-туги билан қўпортириб ташлади. Халқ зиёрат қилиб, руҳан таскин топадиган масканни ҳам, одамлар кўнглини ҳам вайрон этиб, изига қайтди.

Яна бир сафар, фалон маҳаллада яширинча сумалак пиширилаётган эмиш, деган хабар эшитди. Шотирларини қабатига олиб етиб борди.

Биқиллаб қайнаётган хушбўй сумалакка ярим челак селитра солдириб, бир қозон таомни ҳаром қилди. Болалар чириллаб йиғлади, аёллар қарғади:

«Илоё жувонмарг бўл! Илоё, қийналиб ўлмасанг, икки дунё рози эмасмиз!»

... Келдиёровнинг қулоғи шанғиллади, юраги гупиллаб урди. Кўз олдига қақшаб йиғлаётган болалар, ер муштлаб уни қарғаётган аёлларнинг эгик бошлари келди. «Ҳа, менга қарғиш теккан, — деди ичида у, — ана энди жазоимни тортаяпман».

Келдиёров билади, энди бош эгиб, узр сўрайдиган кимсанинг ўзи йўқ. Энди умид — ёлғиз Оллоҳдан. Бир куни у тонг отгунча яратганга тавалло қилди:

«Ё парвардигори олам, биламан, кечирилмас гуноҳ қилдим. Халқнинг кўзига тупроқ сочдим, иймонига чанг солдим. Мингдан-минг пушаймонман. Жон халқумга келди, омонатингни олгину мени бу азоблардан халос эт, худойим! Тавба қилдим, тавба қилдим, тавба...»

Тонгга яқин унинг кўзи илинди. Эрталаб хотини кирди. Эри кулиб ётганга ўхшарди. Нозимахон, «Отаси, дорингизни ичасизми?» деб сўради. Эри индамади. Нозимахон уни бир-икки чайқаб кўрди. Келдиёровнинг калласи шилқ этиб, ёнбошига ағдарилди.

---

Исмоил МАҲМУД

# ШАВКАТИМ, ШОНИМ РАВОНИМ,



Бахту иқболим азиз бу давру давронимдадур,
Давру давронимда турган тоза иймонимдадур.

Тоза иймон шавқидин дил яшнади, очди жамол,
Қалбни обод айламоқлик аҳду паймонимдадур.

Аҳду паймон нуридин жилваланди бу кўнгил,
Бу саодатнинг зиёси-шаҳди имконимдадур.

Шаҳду имконим азал бу толеимдан бир нишон,
Шавкатим, шоним, равоним бу гўзал онимдадур.

Бу гўзал оним аро ишқ ёзди ким ҳур дафтарин,
Бу мақоматда маконим руҳда ҳам жонимдадур.

Руҳу жоним ўзлигин топди фараҳ ичра бу дам,
Бу ҳидоят риштасиким марду майдонимдадур.

Марду майдоним аро, Маҳмуд, нурин сочгай абад,
Чунки балққан эрк қуёши Ўзбекистонимдадур.

* * *

Ота-она қадрини ҳар дам ўғил-қиздан сўранг,
Кеча-кундуз қошида малҳам ўғил-қиздан сўранг.

Бу ҳаёт саҳни азалдан паст-баланд, қисқа-узун,
Йўлда қувват бўлгучи ҳамдам ўғил-қиздан сўранг.

Яхши фарзанд ота-оналар суянган тоғ бўлур,
Ишга суръат бўлгучи бардам ўғил-қиздан сўранг.

Топди бойлик ёш кўнгиллар эл аро ибрат билан,
Топгучи ҳурмат яна шаҳдам ўғил-қиздан сўранг.

Ота-она қадрини билмай йўқотди баъзилар,
Охири, войдод, деган пурғам ўғил-қиздан сўранг.

Ота-она умрига бахш айлагай фарзанд шукуҳ,
Бўлгучи зийнат яна малҳам ўғил-қиздан сўранг.

Бу улуғ хизмат аро, Маҳмуд, бўлур ҳар дил азиз,
Ажрини топган асл маҳрам ўғил-қиздан сўранг.

* * *

Юрт шараф топгай ҳамиша баркамол авлод билан,
Эл аро шуҳрат қозонган бу каби зурёд билан.

Тер тўкиб ҳар жабҳадаким, айлабон марднинг ишин,
Шавқ топиб меҳнат ароким диллари озод билан.

Кўрсатиб ўзни муносиб, шон қучиб майдон аро,
Қудрати ортиб борар ул шиддати Фарҳод билан.

Тенг аро тенглар бўлиб бул кун жаҳон айвонида,
Довруғи оламни тутган барқарор, дилшод билан.

Мустақил, ҳур мамлакатнинг эртаси, шони бўлиб,
Пойгада ғолиб ўғил-қиз қомати шамшод билан.

Айлабон мақдам улуғ аждодга хос ибрат ила,
Оға-ини қўл бериб қучган зафар имдод билан.

Бу каби ёшлар билан, Маҳмуд, ватан обод бўлур,
Айласанг мадҳини қанча кам эрур ижод билан.

* * *

Ҳар кишида бўлса роҳат уйда тинч, оламда тинч,
Бўлса кўнглида саодат уйда тинч, оламда тинч.

Жуфт этиб тақдирда Аллоҳ берди ҳар касга ҳаёт,
Бўлса қалбида фароғат уйда тинч, оламда тинч.

Касби кори бирла ҳар дил ризқини топгай ҳалол,
Бўлса тан-жони саломат уйда тинч, оламда тинч.

Яхши одам элу юрт қадрини тутгайдир баланд,
Бўлса фикрида ҳимоят уйда тинч, оламда тинч.

Туну кун меҳнат қилиб, ҳеч оғмайин нафс комига,
Бўлса илкида адолат уйда тинч, оламда тинч.

Қавм-қариндош, ёру дўстлар бирла айлаб иттифоқ,
Бўлса кўнглида ҳидоят уйда тинч, оламда тинч.

Шукри бирла ҳар киши, Маҳмуд, ўзин камтар тутиб,
Фазлидин топса иноят уйда тинч, оламда тинч.

Учрашув

# СОЗ ВА ОҲАНГ СЕҲРИ

**Қўшиқ — инсон қалбига ажиб завқу шавқ, ҳайрат ва қувонч бахш этувчи сеҳрли тилсим. Суҳбатдошимиз, хушовоз хонанда, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Эркин РЎЗИМАТОВ одамларга руҳий қувват бахш этувчи мумтоз қўшиқлар ижрочисидир.**

**— Эркин ака қўшиқнинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёс. Сизнингча, мумтоз ашулалар инсонга нима беради? У нимаси билан тингловчини ўзига ром этди?**

— Қарангки, оҳанг инсонга ҳали у дунё юзини кўрмасидан эш бўлар экан. Буни олимлар тажриба асосида исботлаб беришган. Яъни ҳомила она қорнидаёқ ҳар қандай товуш ва овозни, шу жумладан, қўшиқни ёдида сақлаб қолади. Дунёга келгач, тинглаган қўшиқлари, оҳанглари ва ўша овозлар унга бегона бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, қўшиқ инсонни тарбиялашда муҳим восита саналади. Улуғ аллома Форобий мусиқанинг инсон тарбиясидаги ўрни бениҳоя катта, деб таъкидлаган. Инсонку инсон, ҳатто балиқлар ҳам яхши бир куйни охиригача бир сафга тизилиб тинглашаркан.

Ҳар биримизнинг илк бор тинглаган қўшиғимиз алла. Инсон ҳаётининг кейинги паллаларида тинглайдиган ва ундан завқ оладиган қўшиқлари унинг дунёқараши билан уйғунлашиб кетади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, кўпинча одамлар қўшиқни, айниқса, мумтоз ашулаларни тебраниб тинглашади. Чунки бундай хонишларда миллатимиз дарду қувончлари яширин. Аввало, мумтоз ашулаларимиздаги ҳар бир сўз одамнинг юрагига етиб боради. Мумтоз наволарнинг ҳар бир пардасида миллатимиз руҳиятига хос оҳанглар мужассам. Ҳар бир мумтоз ашула гўё инсон қалбида, руҳиятида кечаётган жараёнлар ифодасидек янграйди. Шу сабабли ҳам миллий куй ва оҳангларимиз, уларга басталанган ашулалар неча юз йиллардан буён халқимизга маънавий озиқ бериб келаяпти.

**— Яхши биламизки, асар муваффақияти уч омил — матн, оҳанг ва ижро савиясига боғлиқ. Бу ўринда ижрочи масъулияти алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у шоир ва бастакор ижодини халққа етказиб берувчи асосий шахс ҳисобланади. Шундай эмасми?**

— Қўшиқнинг асоси матндир. Унга басталанган оҳанг эса қўшиқ таъсирчанлигини янада оширади. Ҳар бир шоирнинг нимадандир таъсирланиб ёзган шеъри ўзгача бир дардни ифодалайди. Худди шундай таъсирланиш натижасида яратилган оҳанг эса инсонга завқ бағишлайди. Шу ўринда устоз Озод Шарафиддиновдан эшитганларим ёдимга тушади.

— Баҳор фасли эди. Бетоблигим сабабли яқинларим ҳолимдан хабар олгани келишди. Улар орасида эндигина ўзбек адабиётига кириб келаётган шоир Муҳаммад Юсуф ҳам бор эди, — деганди домла. — Баҳор фаслида нишонланадиган урф-одатлар ҳақида суҳбат авжига чиқди. Шу пайт Муҳаммад Юсуф ўтирганлардан узр сўраб, бошқа хонага ўтди. Чамаси ярим соатлардан сўнг қайтиб кириб, “Рухсат берсангизлар, суҳбат таъсирида илҳомланиб ёзган шеъримни ўқиб берсам”, — деди. Унинг “Кўкламойим, кўкингдан бер, бир чимдим” деб бошланадиган шеъри шу тарзда ёзилган экан.

Шоир шеър ёзса, бастакор унга монанд оҳанг излайди. Матн ва оҳангнинг уйғунлиги ижрочининг маҳорати туфайли янада бойийди. Шу тариқа умрбоқий қўшиқлар яратилади. Шоир Амирийнинг “Қошингга теккизмагил қаламни, Бир хат била бузмагил рақамни” деб бошланувчи ғазалига Шокирхон Ҳакимов ёзган мухаммасни ўқиб ниҳоятда таъсирланганимдан, куй басталаб, ижро этганман. Чустий шеъри билан айтиладиган “Қошларингиз ўсмани қилмас ҳавас” қўшиғимни тингловчилар сўрашганида матн ва оҳанг уйғунлигининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор ҳис қиламан.

Шоир Маҳмуд Тоирнинг: “Мени тошлар тинглашади, дили борга ўхшайди” мисралари билан бошланувчи шеърини замонавий усулда айтдим. Уни эшитган 80 ёшдан ошган бир отахон: “Эркинбой, тошлар тўғрисидаги ашулангизни эшитиб мазза қилдим, раҳмат”, дедилар. Демоқчиманки, оҳанг ва сўз танлашда адашмасангиз, албатта, унинг эшитувчиси топилади.

**— Маълумки, азалдан хонандаларимиз саҳнага соз билан чиқишган. Афсуски, ҳозир айрим хонандалар миллий чолғуларимизни “сайратиш”ни билишмайди. Сиз қайси чолғуларни чаласиз?**

— Най ва чангдан ташқари қўлга тушадиган барча чолғуларни чаламан. Ўзбекистон халқ ҳофизи, устоз Жўрахон Султонов: “Ўзи соз чалиб, қўшиқ айтмаган ҳофиз бамисоли кетмони йўқ деҳқонга ўхшайди”, деган экан. Ҳақиқатан, айрим хонандалар бирор чолғуни чалиш у ёқда турсин, созни тўғри ушлашни ҳам билишмайди. Ёшлигимизда рубоб, доира ва ғижжак чалишни ўрганганими борардик. Устозларимиз бизга аввал созандалик, кейин эса хонандалик сирларини ўрганиш келажакда санъаткорнинг мукаммал шаклланишига замин яратишини кўп уқтиришарди.

Илгари базмлар, тўй ва турли маросимларда асосан куй чалинарди. Водийда созандалар сўрида ўтириб чанг, рубоб, скрипка, ғижжак жўрлигида мумтоз куйларни чалиб, йиғилганларни хушнуд этишарди. Айтмоқчиманки, созандаликда гап кўп. Масалан, Маъмуржон Узоқовнинг ёнларида ажойиб бастакор ва созанда Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев рубоб чалган. Маъмуржон Узоқов ижодининг оммалашиши, репертуарларининг бойиши, даврга мос ижод намуналарини яратишида устоз бастакор ва созанданинг ҳиссаси катта бўлган. Жўрахон Султоновнинг ёнларида ҳам шундай забардаст бастакор ва созанда Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов бўлганлар. Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва созанда Абдуҳошим Исмоилов ғижжаклари ёрдамида Замира Суюнова, Дилнура Қодиржонова, Зулайҳо Бойхонова, Маҳмуд Йўлдошев, Ҳожиакбар Раҳматов каби ўнлаб ашулачилар репертуарини бойитиб, халқимиз меҳрини қозониб келишмоқда.

**— Бугунги қўшиқчилигимиз аҳволи сизни қаноатлантирадими? Хусусан, ёш ижодкорлар ҳақида қандай фикрдасиз?**



— Ҳозир юртимизда эл ҳурматига сазовор бўлиб, ўз ижоди билан миллий санъатимиз ривожига ҳисса қўшаётган, изланаётган ёш хонандалар кўп. Шунчаки ҳавасга қўшиқчилик қилиб юрганлар ҳам оз эмас. Аксарият ёшларда, ҳатто баъзи таниқли ижрочиларда ҳам қофияга, нақоратга урғу бериш, оҳангнинг матнга номутаносиблиги тез-тез учраб турибди. Энг ёмони, айрим ёшларда “юлдузлик” касали авж олган. Аслида юлдузлик мартабасига ижодий изланиш орқали эришилади.

Албатта, ёш хонандалар орасида ҳақиқий санъатнинг қадрини билиб ижод қилаётганлар ҳам оз эмас. Масалан, Отабек Муҳаммадзоҳид мумтоз ғазалларимизга таяниб ижод қиляпти. Оғабек Собиров эса устозларимиз анъаналарини бузмай қўшиқлар яратяпти. Бундай ёшларимиз борлигидан қувонаман. Чунки кимдир бу санъатни кейинги авлодга етказиб беришда кўприк бўлиши керак. Ана шундай юксак савияли, дидли ёш хонандалар ижодини ҳурмат қиламан.

**— Келажакда мумтоз ашулачилик йўлида ижод қилишни кўнглига тугиб қўйган ёшларга қандай маслаҳат берасиз?**

— Аввало, бирор созни чалишни ўрганиш зарурлигини айтган бўлардим. Мусиқа ва адабиётнинг назарий жиҳатларини билиш ҳам ниҳоятда зарур. Баъзи ёшларимиз қофиялар тўғри келса ёки шўх йўл топишса, қўшиқ қилиб айтишяпти. Қўшиқ яратишда шошилиш ярамайди. Умрбоқий қўшиқ яратиш учун устозларнинг қўшиқларини қайта-қайта эшитиш керак, бу ижрочининг дид ва савиясини тарбиялайди. Бундан ташқари, бир ёки икки шоир билан ишлаб, шунинг ўзи билан чегараланиб қолмаслик зарур. Шунингдек, устоз-шогирд анъаналари мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш керак. Устоз кўрган шогирднинг миллий санъатга меҳри ҳам ўзгача бўлади.

**— Айни вақтда қандай юмушлар билан бандсиз? Режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Ҳозирда ўзим ўқиб, билим олган Ўзбекистон давлат консерваториясида иқтидорли ёшларга ижрочилик йўлида сабоқ беряпман. Бу даргоҳ не-не ҳофизу хонандаларга бешик бўлган. “Анъанавий ижрочилик” кафедраси мудири, профессор Рифатилла Қосимов ҳамда бошқа устозлар билан биргаликда ҳар ойда “Назм ва наво” кечаси ўтказиб келинмоқда. Бу ўз навбатида келажакда устозлардан ўзган даражасидаги шогирдларнинг етишиб чиқишига йўл очади, деб ўйлайман.

Янги ашулалар яратиш йўлида ҳам изланишни давом эттиряпман. Мақсадим, мумтоз наволаримизга қайта умр бағишлаб, авлодларга мукаммал тарзда етказиш ишига ҳисса қўшиш.

**Ҳафиза НИЁЗОВА**
**суҳбатлашди.**

---

# ХУСУСИЙ КИНОСТУДИЯ ҚАЙСИ ЙЎЛДАН БОРЯПТИ?

## Ижодкорнинг фуқаролик бурчи

Шахсий мулоҳаза

Хусусий киностудиялар мамлакатимизда ўтган аср охирларидан пайдо бўлди ва бу кинематографик майдонда рақобат жараёнини бошлаб берди. Авваллари “маиший” ёки “майда” сюжет ҳисобланган сценарийлар пайдар-пай экранлаштирилиши ва томошабинларда маълум бир маънода қизиқиш уйғотганидан хулоса қилиш мумкинки, шоу-бизнес олами ҳар доимгидек аввал истеъмолчи талабини ўрганади ва эҳтиёжга кўра маҳсулот яратади. Бу ўринда, таассуфки, томошабинга маънавий ёки эстетик озиқ улашиш, уни кино санъати орқали тарбиялашдан кўра, истеъмолчининг талабига мослашиш ва мўмайгина даромад олиш кўзда тутилади. Қачонки, рекламаси кучли товар ёппасига сотиб олинса, кейинги босқичда бу товарнинг янада жимжимадор, ялтироқ ва оҳанрабоси кучли бўлган нусхалари яратилаверади. Натижада медиа бозорида медиа қиёфаларга ошиқ бўлган томошабин улар иштирокидаги ҳар қандай “кино асар”ни томоша қилишга ошиқади. Қисқа қилиб айтганда, бу — шоу-бизнес оламининг сирли оҳанрабосидан бири бўлса, иккинчиси — хусусий киностудияда филм суратга олаётган кинорежиссёр ёки суратга тушаётган актёрнинг хоҳиш-иродаси буюртмачи томонидан бошқарилишидир. Шунинг учун ҳам бу ўзига хос “ижодий савдо жараёнига” илмий ёндашув хийла мураккаб ва баҳсли.

Шундай бўлса-да, кўплаб бир қолипдаги киноасарлар орасида ярқ этиб кўзга кўриниб қолаётган кинофилмлар ҳам борки, улар ижодий эркинлик самараси сифатида қабул қилинишга лойиқ. Хусусан, шу йилнинг ўзида хусусий киностудия маҳсулоти сифатида юзага келган “Кўринмаслар” (сценарий муаллифи ва режиссёр А.Қўшматов), “Ҳаётим орзуси” (сценарий муаллифи ва режиссёр С.Ҳасанов), “Висол” (режиссёр Н.Тўлахўжаев) филмлари фикримиз далилидир. Мазкур асарларнинг муаллифлари кино маданиятини ўзлаштирган, томошабинга ўз асари орқали муҳим ва зарур фикрни айтишга уринган ва ўз касбига виждонан ёндашган режиссёрлардир. Масаланинг иккинчи томони эса эътироф этишга ҳар томонлама лойиқ бўлган бу учала филм томоша залларига минглаб замонавий киноманларни (ашаддий киноишқибозларни) бошлаб келиши даргумон.

Айни кунларда шаҳримиз кинотеатрлари афишалари ва телерекламалардан томошабин эътиборини тортиб, давримиз ижтимоий ҳаёти, ёшларнинг орзу-ҳаваслари, юртимиздаги ўзгаришлардан хабар бераётган “Оқибат”, “Андижонча муҳаббат”, “Андижонлик меҳмон”, “Хизмат доирасидан ташқарида”, “Нафс” каби филмлар ва уларнинг ижодкорлари ҳақида фикр юритар эканмиз, филмларнинг кассабоплиги нималарга боғлиқлиги ойдинлашади.

Илк филмиданоқ (“Муҳаббат синовлари”, 2002 й.) кўплаб мухлислар орттирган Рустам Саъдиевнинг “Эр бермоқ — жон бермоқ” картинасида томошабинларнинг севимли актёрлари — Д.Кубаева ва У.Қодировнинг иштироки бошданоқ филм муваффақиятини таъминлаган. Режиссёрнинг бир қатор кассабоп ва ҳажвий кинокомедияларига хос услубда суратга олинган филм ёш оиланинг фарзанд кўриш умидида бошидан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Драматургик қурилиши фақатгина эр ва хотин орасидаги келишмовчиликлардан ташкил топган филмнинг динамикаси сустроқ бўлишига қарамай, рейтинги юқори. Режиссёрнинг “Андижонча муҳаббат” филмида ҳам Д. Кубаевани бош ролда кўрамиз. Бугунги кунда беҳисоб мухлислари ва беқиёс роллари билан эл назаридаги актриса сифатида эътироф этиш мумкин бўлган Дилноза Кубаева мазкур филмда исми жисмига монанд – орзу-хаёллари ортидан югуриб юрувчи истеъдодли, бироқ хаёлпараст бизнес-леди — Гўёхон образини яратган. Шоу-бизнес талабини яхши билган режиссёр Д.Кубаевага партнер сифатида дебютант актёр Дилниёз Ғаффоровни танлаб адашмаган. Режиссёр ҳам, сценарийнавис ҳам томошабинларга зарур ва муҳим фикрларни ҳазил тарзида айта олганлар.

Қачонки кинофилмда оилавий муаммолар, ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатлар, бой ва камбағалнинг ўзаро зиддияти, ёшларнинг муҳаббат можаролари ҳажвий тарзда ёки мелодрама жанрида суратга олинса ҳамда бош ролларда Д.Кубаева, Ш. Матчонова, Ж.Ғофурова, З.Низомиддинова, А.Шодиева, Г.Эшонқулова, У.Қодиров, Ф.Соипов, А.Узоқов, А.Ражабов каби медиачеҳралар иштирок этса, рекламалар бошланиши биланоқ 60 фоиз томошабин айнан шу филмни тезроқ кўришга ошиқади. Бу борада продюсерлар истеъдодли, хушрўй ва ёқимтой актёрларни топиб, асар рейтингини оширишга ҳисса қўшадилар. Режиссёрнинг исми-шарифи ҳам томошабин учун муҳим.



Суратда: “Оқибат” филмидан лавҳа.

Хусусий киностудияларда бир қатор асарлар яратган режиссёрлар А.Шаҳобиддинов, Ё.Тўйчиев, М.Охуновларнинг филмлари бу йилги мавсумда ҳали кўрингани йўқ. Ҳозир етакчи режиссёр Ж.Аҳмедов бўлиб турибди. Унинг “Сўнгги қўнғироқ” филмида севги ёшида бўлган коллеж битирувчилари ва ўқитувчилар орасидаги муносабат ҳажвий нуқтаи назардан ёритилган. Режиссёр ва оператор маҳорати, монтаж техникаси, мусиқий ечимларга кўра филмни кино санъати талабларини оз-моз биладиган ижодкорлар яратган, дейиш мумкин. Бироқ филм драматургияси талаб даражасида эмаслиги, воқеалар жуда суст ривожлангани ва актёрлар учун етарли имконият яратилмаганини айтиб ўтиш лозим. Актёр Алишер Узоқовга топширилган адабиёт ўқитувчисининг образи замонавийлашган кўринишда бўлса-да, унинг ўқитувчи сифатидаги вазифаси умуман филмга киритилмаган. Шунингдек, 20-25 ёшлардаги актёрларнинг коллеж ўқувчилари сифатида рол ижро этиши филм савиясига салбий таъсир этган. Шу маънода “Сўнгги қўнғироқ” филмининг номи умуман ўзини оқламайди. Гарчи хотимада дўстлик табақага бўлинмаслиги биринчи планга чиқса-да, бугунги кун ёшларининг келажак режалари, мақсадлари, ўз ҳаётини йўлга қўйиш, орзу-умидларига эришиш йўлидаги интилишлари умуман ёритилмаган. Аксинча, ижодкорлар тўқима сюжетлардаги контрастни бўрттириш йўли билан томошабин эътиборини тортишга ҳаракат қилганлар.

Режиссёр Ж.Аҳмедовнинг “Хизмат доирасидан ташқарида” “асари” унинг аввалги томошабоп филмларидан тубдан фарқ қилади. Яъни сценарий муаллифи ва режиссёрнинг ўз мухлисларига айтмоқчи бўлган фикри тушунарсиз. Филм драматургияси эстраданинг шоу-бизнес юлдузлари — Ботир ва Гулининг “хизмат доирасида” ҳам, “хизмат доирасидан ташқарида” ҳам ўзаро келиша олмаслиги, ҳамиша бир-бири билан “гап талашиши” асосига қурилган. Уларнинг диалоги ёш томошабинлар учун худди кўча сўзларининг янгича намунаси сифатида янграйди. Баъзи ўринларда режиссёр гўё мажозий маъно бермоқчи бўлган эпизодлар ҳам ниҳоятда ўринсиз ва қўпол чиққан.

Кези келганда айтиш кераккки, актёр ва эстрада хонандаси Ж.Позилжоновнинг кинодаги уринишлари ўзини оқламаётгани мутахассислар томонидан қайта-қайта таъкидланишига қарамай, у ўзини ҳамон турли комик қиёфалар образида синаб кўриш билан банд. Жумладан, “Хизмат доирасидан ташқарида” ва “Андижонлик меҳмон” филмларининг бош қаҳрамони ролларида Ж.Позилжонов ҳар қачонгидек бир хил қолипда кўринади. Унинг саҳнада қўшиқ айтиши, реклама роликларидаги қиёфаси ва кинообразлари орасидаги ўзига хос актёрлик маҳоратини ажратиб олиш мушкул. Аммо “Zamin Film” МЧЖда суратга олинган “Энагалар” кинокомедиясида Ж.Позилжонов ўз ролига жиддий ёндашгани, қиёфасида, хатти-ҳаракатларида ясамалик деярли йўқлигини қайд этиш ўринли. Кўплаб филмлардан фарқли равишда мазкур кинокомедия мавзуси, режиссёр маҳорати ва актёрлар ижроси жиҳатидан жанр талабларига жавоб беради.

Режиссёр А.Умрзоқовнинг “Оқибат” филмида ёш оилаларнинг арзимас “сабаб”лар билан ажралиб кетиши мавзусига эътибор қаратилган. Филмнинг адабий асоси — сценарий кўп жиҳатдан пишиқ ёзилган, лекин тасвирдан кўра сўзга кўп урғу берилгани сабабли кинофилм телесериал кўринишида қолган. Бош рол ижрочилари Умид Искандаров ва Зарина Низомиддинованинг актёрлик маҳорати диққатга сазовор. Режиссёр, оператор, бастакор, монтаж устаси ва овоз режиссёрлари филмни яратишда ансамбл бўлиб ҳамжиҳатликда иш олиб борганлари ҳам сезилади. Лекин “Оқибат” филмининг хотима қисми сценарийнавис томонидан пухта ўйланмагани, сентиментал мелодрама жанрининг сийқаси чиққан, йиғлоқи хусусиятларига урғу берилиши туфайли филм савияси тушиб кетган.

Эътибор берилса, хусусий киностудияларда суратга олинган филмлар орасида чет эл кинофилмлари сюжети, ғоясидан фойдаланиб, ўзбекона тус берилаётган филмлар ҳам кўпайиб бораётгани сезилади. Улардан бири куни-кеча тақдимоти бўлиб ўтган “Нафс” филмидир. Филм ғояси ва услуби ғарб кино усталарининг кўплаб асарларида қўлланган усуллар ва ғояларнинг ўзлаштирилган шакли бўлса-да, режиссёр Ф.Соипов ўзбек томошабинига мос йўл топа билган. Оилага садоқат, бурч, вафо каби хислатларнинг панд-насиҳатдан йироқ тарзда ёшларбоп тилда улуғланиши “Нафс” филмининг томошабоплигини оширган. Енгил истеҳзо билан замонавий шоу-бизнес оламининг сирли жиҳатларига диққатни тортган муаллифлар Э. Ҳасанова ва Ф.Соипов ҳақиқатнинг асл қиёфасини намойиш қилгандек кўринадилар.

Хусусий киностудиялар маҳсулотларининг айримлари шовқин-суронлар, тушунарсиз диалоглар, бир-бирига боғланмаган эпизодлар, бир қолипдан чиққандек тасаввур берувчи асарлар бўлишига қарамай, нима учун рейтинги юқори экани, айримлари эса кинематографиянинг барча талабларига жавоб берса-да, томошабиннинг эътиборидан четда қолаётгани ҳақида “Нафс” филмида ҳам айтиб ўтилган. Фақат очиқ эмас, мажозий маънода, бироқ кўпчилик учун тушунарли тарзда: “Овоз ёзиш студиясида қўшиқ куйлаётган эстрада хонандаси қўшиқ матнидан норози – “Далаларда болалар, болаларда лолалар, лолаларда холалар...” Қайта-қайта ўқийди, куйлайди, тушунмайди. “Ие, нима бу? Айтмайман буни, шунақаям қўшиқ бўладими?”... Шу тариқа шоу-бизнеснинг ечими, кутилаётган муаммолари ҳақида очиқ сўзланар экан, демак тез орада унга калит топилишига ҳам умид қилсак бўлади.

Ижодий фаолиятини актёрликдан бошлаб, ўзини режиссурада ҳам синаб кўраётганлар орасида Санжар Шодиев ҳам бор. Истеъдодли режиссёр шу кунларда яна бир янги асарини томошабинларга ҳавола этиш ҳаракатида. Филм “Жигарбандим” деб номланади. Гарчи филмнинг сюжети ва ғоявий талқини Шекспирнинг “Қирол Лир” асарини эслатса-да, машҳур асардан кўчирилган ғоя ўзига хос талқинда замонавий ва ўзбекча тус олган. Жумладан, асарда оилага вафо, ота-онага ҳурмат, бурч, садоқат, ўзаро ишонч каби умуминсоний хислатлар улуғланади. Режиссёрнинг профессионал актёрлар ансамблини тўплай олгани ва кинематографиянинг ўзига хос “тили”дан ўринли фойдалангани филм салоҳиятини кўтариб турибди. Фақат асарнинг кассабоплиги масаласи яна мунозарали масала.

Маълумки, бадиий ижоднинг драматургия, режиссура, монтаж, актёр техникаси, мизансаҳна, мизанкадр, муаллифнинг олий мақсади ва бошқа қонуниятлари даврлар синовидан ўтиб келади. Аммо хусусий киностудияларда суратга олинган филмларнинг аксариятида ана шу ижодий қонуниятларни билмаслик, қачонлардир қўлланган, вақт ўтиб воз кечилган ва унинг ўрнига янгича услубий изланишлар топилган усулларнинг гўё янгилик сифатида кашф этилаётганини кўрамиз. Айниқса, бир-икки кадр орқали тушунтириб бериш мумкин бўлган фикрни бир неча эпизодлар, узундан-узун диалог ва монологлар билан мусиқий саунд-треклардан ўринсиз фойдаланиш эвазига томошабинга “тушунтириш-”га уриниш ҳаваскорликдан ўзга нарса эмас. Демак, санъатда ижодкорнинг профессионал маҳорати билан бир қаторда унинг ички маданияти ва диди ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек кинематографиясининг ривожланиши учун ҳеч қачон ҳозиргидек катта эътибор ва имконият яратилмаган. Куни кеча бўлиб ўтган кинофорум сабоқлари шуни кўрсатадики, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги тасвирига эҳтиёж катта. Бироқ хусусий киностудияларнинг маҳсулотлари бу эҳтиёжга жавоб беролмагани боис назардан четда қолади. Ваҳоланки, шу йилнинг ўзида хусусий киностудиялар “яратган” кино маҳсулотларининг сони қирқ бештага етди. Улар орасида кино санъати талабларига қисман жавоб берадиган картиналар беш ёки олтитадан ошмайди. Биз эса бу йилги кузги мавсумда намойиш этилаётган айрим филмларга тўхталиш жараёнида ёш томошабинлар маънавиятига кескин таъсир кўрсатаётган хусусий киностудиялар фаолиятининг бундан кейинги ривожи нафақат ижодкорлар, балки буюртмачиларнинг ҳам ўз фуқаролик бурчини ёдда тутишларига бевосита боғлиқ, деган хулосага келдик.

**Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА**

---

# МАШҲУР КОМПОЗИТОРГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил бутун жаҳонда композитор Ференц Листнинг 200 йиллиги нишонланмоқда. Романтизм даврида яшаб ижод қилган венгер композитори, дирижёр, ёзувчи, жамоат арбоби Ф.Лист венгер мусиқа мактаби асосчиларидан биридир. Композитор асарларида Венгрия халқ оҳанглари ва уларга хос ижрочилик услублари ўз ифодасини топган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Венгрия республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида юртимизда 5 ноябрдан 1 декабргача Ф.Лист ижодига бағишланган фестивал бўлиб ўтмоқда. “Олтин мусиқий хазонрезги” номи билан ўтказилаётган фестивал лойиҳаси муаллифи ва бадиий раҳбари консерваториянинг махсус фортепиано кафедраси мудири Сайёра Ғафурова.

Фестивалда махсус фортепиано кафедраси ўқитувчи ва талабалари, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги мусиқий театр-студия симфоник оркестри қатнашади. Концерт композиторнинг энг машҳур асарлари, жумладан, биринчи ва иккинчи концертлари, икки фортепиано учун транскрипциялар, фортепиано ва орган асарлари янграйди.

5 ноябрда консерваториянинг катта залида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Концерт дастурида Ф.Листнинг симфоник поэмаси, фортепиано ва оркестр учун 1 ва 2 концертлари янгради. Асарлар мусиқий театр-студия симфоник оркестри ҳамда Э.Мирқосимова ва Г.Ғуломова жўрлигида ижро этилди. Шунингдек, мусиқа тарихи кафедраси ўқитувчи ва талабалари композитор ижодига бағишланган мақолалар тўпламини ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрламоқда.

**Беназир БОЙСИНОВА,**
**консерватория талабаси**

---

# “ҚАРЗ” ҚОЗОҚ САҲНАСИДА

Янги томоша

Жанубий Қозоғистон вилояти Ўзбек драма театрида ўзбек адиби Илҳом Зоирнинг “Қарз” номли пиесаси асосида спектакл саҳналаштирилди. Спектаклнинг бош режиссёри Рустам Сайидхўжаев, саҳналаштирувчи режиссёр Сайдикарим Маҳмудов. Асосий ролларни Улуғбек Носиров, Акбар Эрхонов, Адилжан Тоғанбаев, Дилфуза Ибрагимжанова, Сарвинисо Розиметова, Венера Нишонбоева ижро этишган.

Ушбу асар Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Қозоғистон театрлари куни” фестивалида “Энг яхши спектакл” сифатида Гран-прини қўлга киритди. Бош рол ижрочиси Дилфуза Ибрагим-жанова эса “Энг яхши аёл ижрочи” номинацияси ғолиби деб топилди.



Ичакузар ҳангомалари ва ҳажвиялари билан танилган Илҳом Зоирнинг комедия жанрида ёзилган илк асари бўлган “Қарз” пиесасида оталар ва болалар ўртасидаги муносабат билан анъаналар ва муаммолар турли ҳаётий трагикомик вазиятларда қизиқарли саҳналаштирилган.

**Ойдин ЙЎЛДОШЕВА**

# УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ



Доимий ҳамроҳ

*"Мовароуннаҳр" нашриёти самарқандлик қаламкаш Тоҳир Жўлматовнинг "Имом Бухорий ҳақида ҳикоялар" китобини чоп этди. Ушбу китоб улуғ ватандошимиз "Саҳиҳул Бухорий" тўпламининг муаллифи, буюк муҳаддис Имом Исмоил Бухорий ҳазратларининг ҳаёт йўллари ва беназир меросининг аҳамияти ҳақида ҳикоя қилади.*

*Имом Бухорий халқаро маркази директори Убайдулла Уватов китобга киритилган "Улуғ алломага эҳтиром" сарлавҳали сўзбошида шундай ёзади:*

*"Муаллиф буюк алломанинг биз, авлодларга ўрнак бўладиган ибратли ҳаёт босқичлари, илм олиш борасидаги тиришқоқлиги, тинимсиз олға интилишлари, айниқса, кутилмаган воқеа-ҳодисаларга тўла ҳаётини бадиий образлар орқали, адабий тўқималар ёрдамида ёритиб беришга ҳаракат қилган".*

*Президентимиз раҳнамолигида 1998 йилнинг 23 октябрида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси очилган эди. Бугун ушбу муборак қадамжодан юртдошларимизнинг ва бутун дунё мамлакатларидан келган зиёратчиларнинг қадами узилмайди.*

*Тоҳир Жўлматовнинг китоби ҳам рамзий маънода Имом Бухорий ҳазратлари сари қилинган зиёратлардан биридир. Қуйида ана шу китобдан бир ҳикоя ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.*



## ҲАДИСЛАР ОҲАНРАБОСИ

Ойнинг ўроғи тоғнинг баланд чўққилари томон сузиб борди, кумушсимон нурини товлантириб тоғтошлар орқасига беркинди. Аммо кўп ўтмай, тонг қоронғиси аста тарқалиб, тоғ тизмалари, чўл яланглигидаги тепаликлар узра чекина борди. Кун ёриша бошлаганида ҳадис изловчилар баланд тепалик ёнига келиб қолишган эди. Абу Абдуллоҳ узун чарм этигини, эгнига чопонини кийди, белига белбоғ боғлади.

Бақалоқ киши муҳаддиснинг тайёрланаётганини кўриб, аста сўз қотди:

— Мени тушунганингиз учун раҳмат. Менинг гуноҳим катта. Ўлимим яқинлашаётганини ҳам сезиб турибман, ундан қўрқмайман. Чунки сиз ёнимдасиз. Имон-эътиқодли одам экансиз, сезиб турибман, — йўл бошловчи киши шундай деди-да, энгашиб халтанинг оғзини очди. Чалажон чумчуқларнинг оёқларини ечиб, тепаликка чиқди, сўнг қушчаларни тубсиз ўранинг тешигидан ташлади. Сохта кулги аралаш деди: — Бу менинг сизларга қилган ёрдамим, ҳозир илонлар ўранинг чап томонида «нонушта» билан банд, сиз эса ўнг томонга тушишингиз керак.

— Чакки қилдингиз, илонларни безовта қилиб қўйдингиз, — дея муҳаддис бақалоқ одамнинг жавобини эшитмаёқ, зиналардан хавфли чуқурга туша бошлади. Ёнида чироқ ушлаган Малик ҳам сирпаниб ўрага тушарди.

Ўра тешигидан қўрқа-писа пастга тикилган Малик кўзларини ола-кула қилиб, бу ёғига тушмасликни Абу Абдуллоҳдан илтимос қила бошлади:

— Олтини бошидан қолсин...

Абу Абдуллоҳ бармоғини лабларига босди:

— Овоз чиқарманг, илонлар жуда сергак, чироқни беринг-чи, — бошини Малик томон ўгирган муҳаддис қатъий оҳангда деди:

— Шуни асло эсингиздан чиқарманг, Расулуллоҳнинг ҳикматларини олиш учун бундан ёмонроқ жойга тушса ҳам бўлади.

Ўрага тушган Абу Абдуллоҳ қўлқоп кийиб, чироқни кўтарди. Даҳшатдан бақириб юборай деди. Қачонлардир хона вазифасини ўтаган бу жойда бир неча илон бор эди. Бақалоқ одам айтганидек, улар чумчуқлар чирқиллаган томон боришди. Ўнг бурчакдаги ўйиқ жойда китоблар ва жом кўзга ташланди. Абу Абдуллоҳ эҳтиёт бўлиб қадам қўяркан, судралиб келаётган илонларни босиб олмаслик учун бир муддат жойида қимир этмай турди. Нафасини ростлаб, ўйиқ токча томон юрди. Китобларни тахлаб жом билан бирга халтага солди. Орқага қайтаётганида илонлар буйруқ олишгандай бирдан у тарафга йўналишди. Илонлар бу ўрадан биров олтинни олиб кетишини исташмаётган эди. Бу қалтис вазиятда Абу Абдуллоҳ Аллоҳ таолодан мадад сўради.

Илонлар вишиллашдан тўхтаган эди. Муҳаддис шу ҳолатда бир неча қадам босди, буни сезган судралувчилар яна ҳаракатга кела бошлашди. Абу Абдуллоҳ бир амаллаб ёруғ тушаётган туйнукка етиб олди. Юқорига чиққач, Абу Абдуллоҳ ва Малик катта қўлёзма китобларнинг сарғайган саҳифаларини варақлашга тушишди. Муҳаддис китобларни шоша-пиша яна бир бор кўздан кечиргач, жилмайиб ҳамроҳларига юзланди:

Бу «Сийратул Расулуллоҳ» — Аллоҳ Расулининг ҳаёти баён қилинган китоб, Ибн Исҳоқ ва Ибн Ҳишом қаламига мансуб.

— Унда нималар ёзилган ўзи? Мен довюраклигингизга қойил қолдим. Қандайдир қўлёзмалар деб ҳеч бир одам қилолмайдиган ишни қилдингиз, — Малик муҳаддисга ҳайрон тикилиб турарди.

Олим жилмайди:

— Бу китобда Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақларидаги илк ҳикоялар баён қилинган. Дастлаб Ибн Исҳоқ ёзган. Кейин уни Ибн Ҳишом қайта ишлаган. Пайғамбаримизнинг ҳаётларига доир бўлмаган, ишончсиз маълумотларни китобдан чиқариб, ҳақиқий далиллар билан тўлдирган.

Шу пайт ҳалиги бақалоқ кишининг жон ҳолатда бақиргани эшитилди:

— Ҳа, лаънати! — деганча у қўлларини силкиб, олтин жомни қайта тубсиз чуқурга ирғитди-ю, чанг йўлга юзтубан йиқилди.

— Жомда илон бор экан, юзидан ҳам чақиб олди, бундай ҳолда дарҳол ўлим юз беради, — шивирлади Абу Абдуллоҳ.

— Очкўзликнинг оқибати шундай бўлади, — деди аччиқ киноя билан Малик.

— Ойша онамиз айтадилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Марҳумларни ёмонламанглар, улар қилмишлари учун ажрини топишган", дедилар", — ҳадис билан тушунтирди Абу Абдуллоҳ.

Малик маъюс бош эгди ва одоб билан сўради:

— Ака, олтин бизники бўладими?

Абу Абдуллоҳ бош чайқади, эътирозга ўрин қолдирмай қатъий жавоб берди:

— Олтин қонга беланди, Парвардигор кўриб турибди, агар биз уни олсак, касрига қоламиз.

— Эҳ, биродар, қаранг, қанчадан-қанча одамлар бировларнинг бахтсизлиги ҳисобига яшаяпти, — деди Малик бу гапга ишонмай.

— Ҳаммаси вақти-соати етгунча, — Абу Абдуллоҳ синовчан назар билан бадавийга боқди.

— Агар ўша жойда яна ҳадислар қолган бўлса, олиш учун қайтиб тушармидингиз? — Малик кўзларини айёрона ўйнатди.

— Ҳа, — ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди Абу Абдуллоҳ.

— Ака, сиз яқинда пул ҳақида бир ҳадис ўқиган эдингиз, — Малик гарданини қашлади. Муҳаддис гап нимадалигини тушунди.

— Саъд ибн Абу Ваққос ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Сен ҳар қанча пулни Аллоҳ йўлига сарфламагин, албатта, унинг мукофотини оласан».

— Худди шундай, — қувониб кетди Малик.

— Аммо бундай қон тўкилишига сабаб бўлган ва қасос олинишини кутиб турган олтин учун эмас, — жавоб қилди бўғиқ овоз билан Абу Абдуллоҳ.

— Тушунарли, мен ҳам ҳар қанча пул беришмасин, ўша заҳарли махлуқлар маконига кирмасдим, — деди Малик қўлини кўксига қўйиб.

— Шукур, Пайғамбаримизнинг бу қимматбаҳо ҳикматларини қўлга киритдим, менга шуниси муҳим, — Абу Абдуллоҳ мамнун жилмайди.

## ГИППОКРАТНИНГ ТЎРТ ҚОИДАСИ

Тиббиёт асосчиларидан бири Гиппократ илгари сурган саломатликнинг энг оддий тўрт тамойилига риоя қилиинса одам умрига ўн беш йил қўшилишини Кембриж университети олимлари тажрибада тасдиқлашди.

Гиппократнинг биринчи қоидаси — чекишни ташлаш; иккинчиси — оз-оздан ароқ ичиб туриш. Кўп ичиш ножоиз, бироқ бутунлай ичмай қўйиш ҳам яхши эмас. Етмиш кило вазнли одам кунига йигирма грамм тоза спирт, яъни эллик грамм ароқ ёки 150-200 грамм мусаллас ичиши фойдали меъёр ҳисобланади; учинчиси — ҳафтасига тўрт марта қирқ дақиқадан жисмоний машқ бажариш; тўртинчиси — овқатланиш маданиятини сақлаш.

Дастурхонда мева-сабзавот, денгиз маҳсулотлари, ёнғоқ, ўсимлик ёғи, бироз гўшт ва нон бўлиши керак. Бундай парҳезга риоя этувчиларда **С** дармондориси нисбатан кўп бўлади. Агарда пиёда сайр қилиш ва сувда сузишдан ташқари, ҳафтасига икки марта оғир жисмоний машқлар билан шуғуллансангиз (бунда оддий машқ эмас, тўрт типдан иборат машқлар мажмуи кўзда тутилади. Бу машқлар одамнинг юрак уриши, ёши ва гавда тузилишига қараб индивидуал тарзда танланиши керак) умрингизга йигирма-йигирма беш йил қўшишингиз мумкин. Моддий имкониятга кўра, чиниқиш залларига қатнанг, иложи бўлмаса гантел сотиб олинг. Қўл ва оёқларни ерга тираган ҳолда, худди пружинани сиққандек, бутун гавда

Соғлиғинг — бойлигинг

билан тортилиш ҳам жуда фойдали.

Бу машқларга мувозанатни сақлаб йог каби мушак ва пайларни чўзиш машқини ҳам қўшиш мумкин. Энг муҳими, организмни зўриқтирмай ҳузурланиб машқ қилиш. Дейлик, бир жойда турадиган машқ велосипедини ҳайдаяпсиз: тезлик, вақт ва юрак уришини кўрсатадиган ойнакка қарамай кўзни юмиб, аввал секинроқ, сўнг хоҳишга қараб оғирликни оширган ҳолда педални айлантираверасиз.

Махсус текширувлар кўрсатишича, жисмоний машқлардан роҳатланадиган кишилар нисбатан каттароқ оғирликни ҳам забт эта олишади. Демак, бунда саломатлик учун зарур бўладиган натижа ҳам катта бўлади.

* * *

Барча хасталикларни юз фоиз деб олсак, саксон фоизигача овқатланиш билан боғлиқ ва уларнинг шифосига ҳам тўғри овқатланиш орқали эришилади. Бироқ энг яхши парҳезшунос ҳам тўғри овқатланиш меъёрларини математик аниқликда тартибга солиб беролмайди. Буни фақат компютер ёрдамида уддалаш, ҳар бир одамнинг ўзигагина хос парҳез дастурини тузиш мумкин. Газ узатиш насос станциялари ишчилари истеъмол қиладиган таомлар шу жиҳатдан текшириб кўрилганда, айрим моддаларнинг мутлақо етишмаслиги маълум бўлади. Ушбу етишмовчиликларга барҳам берилгач, ишчиларнинг шамоллаши, грипп билан хасталаниши бир ярим баравар камайган, иш қобилиятлари эса ошган.

* * *

Сув остида сузиш машқини эгаллаган кишиларда ўпка ва нафас олиш функциялари ниҳоятда ривожланади.

* * *

Финландияда яқин-яқингача эркаклар ўртасида юрак қон-томир хасталиклари оқибатида ўлиш даражаси жуда юқори эди. Мутахассислар одамларнинг ҳаёт тарзини таҳлил қилиб, бунинг сабабини аниқлашди. Маълум бўлишича, бу ҳолат икки омилга боғлиқ экан: биринчиси, таомларда селен (кимёвий элемент) етишмовчилиги бўлиб, у эркаклар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаркан. Иккинчиси, анъанавий фин сауналарига тушганда қаҳва ва алкогол истеъмол қилиниши туфайли экан. Финландия ҳукумати ишлаб чиқарувчилар зиммасига озиқ-овқат маҳсулотларига селен моддаси қўшишни юклаб, саунадан фойдаланишга саломатлик нуқтаи-назаридан ёндашиш зарурлиги бўйича тарғиботни кучайтиргач, вазият ўнгланган.

* * *

Исроилда эса дўконларда йодланмаган туз сотиш тақиқланган. Негаки, йод етишмаслиги кўп хасталикларга сабаб бўлади.

## МЕВА ҚОҚИЛАРИ ШИФОСИ



Барча мевалар қоқилари юрак учун зарур ган калий моддасига бой. Шунингдек, уларда органик кислота ва минерал элементлар ҳам мавжуд. Бу моддалар кўплиги жиҳатидан улар янги узилган сархил мевалардан ҳам устун туради. Мева қоқиларида ёғ йўқ, фойдали фруктоза бор. Шу боис, улар атеросклероз ва буйрак хасталикларининг олдини олиш учун ва сурункали хасталиклардан соғайиш даврида истеъмол қилинади.

Туршак — юрак хасталигида яхши малҳам. Қароли (қора олхўри), анжир ва хурмо қоқилари овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, қорин дам бўлганда тавсия этилади. Олма қоқисида озиқли тола, тектин ва олма кислотаси кўп. Шу боис, иштаҳа бузилганда, кам кислотали ошқозон яраларида бу неъмат тавсия қилинади.

Атеросклероз, қон босими ва буйрак хасталикларининг олдини олиш учун туршак, майиз, ёнғоқ, анжир ва қароли қоқиларини бир-бирига тенг миқдорда олиб, гўшт қиймалагичдан ўтказинг ва асал қўшиб музхонада сақланг. Ҳар куни эрталаб нонуштадан аввал бир чой қошиқдан истеъмол қилиб туринг. У бутун организмга қувват бағишлайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

**Тилаволди ЖЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

# ҚОРЖАТ

Бадиа

Устимда нимадир юргандай бўлди. Тиззамни, сўнгра оёғим учларини босиб турди. Кўзим юмуқ ҳолимда, мушук деб ўйладим. Онамнинг товуши келди: тушир анови етимчани, Чиннихол. Опамнинг кулгуга тўлиқ овози эшитилди: "Эна, сийиб юборди". Онам ҳам кулди ва мен сари талпинди чоғи кўзимни очдим. Уйқум очилмай анқайиб, менга ажабланиб қараб турган қўзичоқни кўрдим. Кўзлари қоп-қора, момиқ жунлари ҳўлдай жимирлаб кўринади, киндиги узун, қуримаган. Онам уни кўтариб печка томонга олиб кетди. Қўзичоқ мен ёпиниб ётган кўрпанинг устига... қўйиб юборибди, ярамас. Бу унинг ёруғ дунёдаги биринчи иши эди. Туриб ўтирдим. Уй тўрида гўшт супра ёйилган, отам дўқиллатиб ёнғоқ тўнкада гўшт тўғраётир.

Қўзичоқ туғилибди, аниқроғи боши катталик қилиб, совлиқни ёриб боласини олишибди. Кечанинг бир вақтида отам билан акам шу ишни қилибдилар. Эртачи совлиқлар қўзилай бошлабди-да. Тийрамоҳнинг изғиринли, сўнгги кунлари қонталош баргларни зирқиратиб ўтади, мактаб йўлида сумкадан нон олиб, ковшаниб қайтаётган болаларнинг эгнига бултирги либосларини илади бу кунлар. Тонглар совуб, чўпон-чўлиқнинг қўл ва лаблари баайни совуқ очган кўсакдай ёрилади. Аввал ёмғир, кейин қор...

Кичик опам бурчакда пахта чигитлаб ўтирибди. Онам эса қозон осилган печкага куймаланади. Акам гўшт тўғраётган отамга қарашаяпти. Отам ҳар замонда уни уришиб қўяди. Онам менга:

— Калтабой, тур энди. Қор тушди,— деди.

— Қор?

— Ҳа, энди томнинг устидан этигингни об тушасан.

* * *

Қўлимга уч-тўрт бўлак нон тугилган шойи белбоғни кўтариб чопончамнинг олдини бир қўлим билан ёпиб кетаяпман. Бобом (отамнинг акаси — амакимни бобо деймиз) оғилнинг устида қор кураяпти. "Ғарч-ғурч" қилиб боряпман. Бобом менга қараб-қараб қўяди, мен ундан кўз узмайман. Уйларнинг мўрисидан ўрлаётган тутун "Кетдик мактабга!" деётган қўшни қизлардай бир-бирига қўл силкийди, сўнг ер бағирлаб кетади.

— Уйга оббор, Калтабой,— дейди бобом менга. У бизнинг уйимиз ёнбошида эрталаб нон синдирганимизни том устидан кўрган эди.

— Итларингиз бор,— дейман опам ўргатгандай.

— Ҳа, опке бўлмаса. Даргайига қабул қилсин!

Куракни ерга тираб, том устидан узалади бобом. Мен оёқ учида тугунчани узатаман ва яна опам ўргатган гапни айтаман:

— Белқарс сизларники экан.

Тугунчани беришим билан бурилиб югура бошлайман. Бобом ниманидир сезгандай бир рўмолга, бир менга қараб, ҳарнечук тугунни еча бошлайди. Мен тезлашаман. Оғзидан чиқаётган буғ мошгуруч, болта соқолига қўшилиб басавлат бобомни афсонавий паҳлавондай кўрсатади. Энди катталашиб, секинлаётган қор унинг қулоқли аскарча телпагини оқартириб юборган. Бу телпакни ўғли ҳарбийдан опкелган.

— Хў, Калтабой тўхта, ярамас. Тўхта, — ортимдан бобомнинг дўлвор овози келади. Бурилиб қарайман. У куракка таяниб ерга "гурс" этиб сакраб тушди. Кулдим ва уйга қараб югурдим. Уй ёнида отам, онам, опаларим туришибди. Худди пойгада келаётган отга ишқибозлик қилаётгандай менга қараб "чоп-чоп" дейишади. Кенжамиз Манзура эса деразадан қараб турибди, унга "гул" чиққан. Бобомнинг мени етишига гап кўп, туяжун чакмони ўзи бир отга юк. Қийқириб чопаман, чопонимнинг олди очиқ этаги икки ёнга бориб келаверади.

Менга қараб итимиз югурди. Бобомнинг чакмони ярим йўлда ечилиб қолди. Лекин шундай бўлсада мени ача жойгача "тўхта-тўхта"-лаб қувиб келди. Етолмаслигига кўзи етди чоғи "қўлга тушираман ҳали" деб, изига қайта бошлади. У кишининг саводи йўқ. Аммо онам Чўпон ота ҳақига, деб қўшниларга улашган нонга қўшиб берилган қорхатнинг нималигини билади. Бу нарса ҳар йили бор.

* * *

— Қайнатма шўрва, тарвуз... кейинчи? — аллақачон мактаб кийимини кийиб олган катта опам ёзаяпти, ҳаммамиз унга ўргатиб турибмиз.

— Палов.

— Қат патир.

— Чувиллашма-е, — онам бизни жеркиган бўлади.

...Ва кечқурун аёз забтига олиб тийра қуёш шомга яқинлай бошлаганда бобомнинг кичик ўғли келади. Мен соғин сигирларга ем қориб туриб унинг онамга айтаётган гапини эшитаман. "Ҳаммалорингиз бизникига боракансизлар." Қувониб, алланечук мағрурланиб қўяман.

* * *

Бобомнинг уйида бизнинг оиладан бошқа амакимлар ҳам йиғилишган. Эркаклар юқорида, аёллар пастда. Бола-бақранинг овози гапни гапга қўшмайди. Кичкина Муқаддас бешикдан қўлини чўзиб инжиқланиб ингиллайди. Ташқаридан енглари шимарилган бобом чопонини эгнига ташлаб, таҳорат олиб киради, қўлида белбоғи. У бешикдаги неварасига энкайиб эркалаган бўлади-да:

— Бу қизни кўп йиғлатманглар-е, қалини камайиб кетади,— дейди.

Бобомнинг товушини эшитиб кичик амаким ва бобомнинг тўнғичи сергакланади. Улар иккови бобом ташқарилаганда пайтдан фойдаланиб ўзлари чойнакка солиб олган ароқни уриб олишган. Сўзамол, юзлари бўғриқиб ўтиришибди.

— Нурман тоғанинг отини бугун Кўчар минганда бировга улоқ бермайди экан-да, ўзи.

— Кўчарнинг қўли синган экан-да.

— Ҳа, шундаймикан?

Бобом уларнинг бугун бўлиб ўтган кўпкари ҳақдаги суҳбатига эътибор қилмай иккисига ҳам сер солиб тўрга-жойига ўтаверадида, сезади шекилли, кичик амакимга:

— Гапингиз кўпайиб қоптима, раис? — деб қўяди. Амаким индамайди.

Тўкин дастурхондан ҳамма таом тановул қилаяпти. Ўнгдан-чапдан турли гурунг. Зиёфат сўнггида бобом дуога қўл очади:

— Омийн! Илойим, шу қор билан бошланган йилимиз қут-баракали йил бўлсин!...

* * *

Биринчи қор — Яратганнинг бандаларига мактуби!

Биринчи қор — табиатнинг самимий таскини.

Биринчи қор — болаликнинг қўл билан ушласа бўладиган ҳайратлари рангида бўлади.

Биринчи қор — юраклардан эланиб ўтиб келган, дилнинг бир пок манзилида ётган туйғуларнинг дунёга термулиши (худди деразадан қараб турган Манзурадай).

Биринчи қор — муҳаббатнинг сирли тортиғини бировга айтмаса бўлмайдиган қутлуғ хабар.

Биринчи қор — қорхатдай учаётган қушларнинг кўзларида оламнинг беадоқ акси.

Биринчи қор — кўнгли кенгайган дунёнинг оромли хўрсиниғи.

Биринчи қор...

**Шодмонкул САЛОМ**

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар
илмий-методик ҳамда ахборот маркази
Ўзбекистон Бадиий академияси,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" хайрия жамғармаси,
Республика "Камолот" ЁИҲ
Марказий кенгаши ва
Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда

2011 йил 29 ноябр — 6 декабр кунлари
номоддий маданий мерос тарғиботига бағишланган

"ОБЪЕКТИВДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС"
МАВЗУСИДАГИ ФОТО ВА ВИДЕО ҲАВАСКОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА
КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ.

Кўрик-танловнинг очилиш маросими 2011 йил
29 ноябр куни соат 11:00да
Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтади.



Маълумот учун телефонлар:
244-52-98, 244-41-34
Факс: 244-51-78.
Сайт www.nmm.uz

Ташкилий қўмита.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи – Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4528 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН